Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

№ 187 (9683).

1989 йил 4 октябрь чоршанба

Баҳоси 3 тийин.

«ҲОСИЛ-89» «ҲОСИЛ-89»

ОБЛАСТИМИЗ ПАХТА ДАЛАЛАРИДАН ХАБАРЛАР

ИККИ КУНДА БАЖАРИШДИ

БЕКОБОД. (Телефон орқали олинди). А. Мавлонов номли совхознинг Эгам Эшонқулов бошчилик қилаётган ижарачилари ғалаба рапортига имзо чектилар. 13,6 гектар майдонда деҳқончилик қилган уч кишилик коллектив аъзолари икки кундаёқ қабул пунктларига шартномадаги 34 тонна ўрнига 35 тоннадан ортиқ пахта топширишди. Ҳосилдорлик гектар бошига 25 центнердан ошди.

Шунинг диққатга сазоворки, ижарачилар жами ҳосилни машиналарда териб олишди. Механизатор Эргаш Ғойибназаров ўз машинаси бункеридан 20 тонна, Қосим Маматқулов 15 тонна пахта тўкди. Хом ашёнинг асосий қисми юқори навларга сотилди.

Ижарачилар даласида ҳали ҳосил мўл. Йиғим-терим жадал давом этаяпти. Улар ўз имкониятларини ҳисоблаб чиқиб, яна 15 тонна пахта сотишга, ҳосилдорликни гектар бошига 40 центнердан оширишга аҳд қилишди.

Хўжаликнинг Омон Қўшмоқов, Мирзаали Маматқулов, Абдуранс Абдуллаев ўртоқлар бошчилик қилаётган бригадаларининг коллективлари ҳам йиғим-теримда чинакамига жасорат кўрсатмоқдалар. Бу бригадаларда ҳар куни йиллик планнинг 7—8 процента миқдорида пахта тайёрлашга эришилмоқда.

70 ПРОЦЕНТИ МАШИНАДА ТЕРИЛАДИ

● ЧИНОЗ. «Ўзбекистон ССР 30 йиллиги» колхози пахтакорлари бугун-эрта машина теримини бошлайдилар. Бу йил колхозда етиштирилган ҳосилнинг 70 процента агрегатлар бункеридан тўкилади.

Бунинг учун пухта ҳозирлик кўриб қўйилди. Далалар сифатли дефолиациядан чиқарилди. 24 та терим машинаси, 50 та тележка, 5 та кўсак териш, 12 та кўсак чувиш агрегатлари шай турибди. Механизаторлардан — Ленин ордени кавалери Алиқул Эшонқулов, Рашид Ямалиддинов, Қуролбек Булғонбоев, Акбарали Умаровлар мавсумда 100—140 тоннадан пахта теришга аҳд қилишди.

Колхоз пахтазорларида айни пайтда уруғлик учун қўл терими кун сайин авж олдирилмоқда. Кунига йиллик планнинг 1—1,5 процента миқдорида хом ашё тайёрланмоқда. Абдушукур Аллаёров, Қамбарали Темиров, Шерали Шерматов сингари ўртоқлар бошчилик қилаётган бригадаларда социалистик мусобақа, унинг ошкоралиги, теримчиларни ўз вақтида рағбатлантириб туриш каби ибратли ишлар амалга оширилмоқда.

(Ўз мухбиримиздан).

ТЕРИМ КУНДАЛИГИ

ОБЛАСТИМИЗ РАЙОНЛАРИДА ПАХТА ТАЙЁРЛАШНИНГ ВОРИШИ ТЎҒРИСИДА 3 ОКТЯБРГАЧА БЎЛГАН

МАЪЛУМОТ

(планга нисбатан процент ҳисобида).

Биринчи устун — районлар; иккинчи устун — бир кунда тайёрланган; учинчи устун — мавсум бошидан буён; тўртинчи устун — машина терими — бир кунлик; бешинчи устун — мавсум бошидан буён.

Пискент	6,14	39,00	7,32	35,68
Оққўрғон	6,30	28,95	8,03	28,42
Бўка	5,47	28,02	7,01	29,08
Бекобод	4,94	27,17	5,53	21,85
Ўрта Чирчиқ	6,04	25,88	7,63	29,25
Чиноз	3,42	20,44	3,29	7,94
Коммунистик	4,73	16,83	5,77	20,65
Янгиўл	2,51	12,78	1,97	4,65
Ғалаба	2,24	5,05	2,70	5,26
Область бўйича:	4,82	23,66	5,76	21,66

✦ ЭРГАШ Мирзаев бошчилик қилаётган бригада аъзолари Янгиўл районидаги «Партия XXI съезди» колхозида бригадавий ўртасидаги ташкил этилган мусобақада пешқадамлар сафида борилмоқда. 1989 йилда бригада деҳқонлари 68 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 30 центнердан ҳосил кўтаришга режалашган. Айни кунларда бу ерда қўл терими ўтишқоқлик билан борилмоқда. Суратларда: бригаданинг илғор теримчиси Муҳаббат Мирзаева; коллективнинг етакчиси Э. Мирзаев илғор кўпмингкилограммчилар Ҳурриятхон [чапдан] ва Ҳалима Асроқуловалар ҳамда М. Мирзаева билан. Улар кунига 100 килограммдан ошиқ ғўза пахта теришмоқда.

Суратчи А. ЗУФАРОВ.

СЕССИЯ КУНДАЛИГИ

Ҳукумат 2 октябрь куни Кремлда ўз ишини давом эттирган СССР Олий Совети сессияси муҳокамасига мулк, ер, ижара, ягона солиқ системаси, социалистик корхона тўғрисидаги бешта қонун лойиҳасини тақдим этди.

Иттифоқ совети билан Миллатлар советининг қўшма мажлисини М. С. Горбачев олиб борди.

СССР Министрлар Советининг Раиси Н. И. Рижков қонун лойиҳалари хусусида доклад қилди.

Қонун лойиҳаларини муҳокама қилишда халқ депутатлари В. М. Вологжин, С. С. Алексеев, А. А. Собчак, П. Г. Бунич, С. М. Рябченко қатнашдилар. Олий Совет қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш учун комитетлар ва комиссияларга топшириб, сўнгра уларни сессияда муҳокама қилишга қарор берди.

Афғонистондаги чекланган совет қўшинларининг қуролланган афғон оппозициясига асирга тушиб қолган ва жиноят қилган собиқ ҳарбий хизматчиларини авф этиш тўғрисида СССР Олий Совети қарорининг лойиҳаси сессия муҳокамасига киритилди. СССР Бош прокурори А. Я. Сухарев ахборот берди. Мазкур масалани бундан аввал халқ депутатлари муҳокама қилган эдилар, аммо бу гал ҳам ана шу масалага доир мунозара тугалланмади. Раислик қилувчининг таклифига биноан бу лойиҳа ҳам узил-кесил ишлаб чиқиш учун Олий Советнинг доимий органларига юборилди.

СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари Л. А. Воронин транспорт ва саноат ишини барқарорлаштириш ҳамда уларнинг узлуксиз ишлашини таъминлаш хусусида ҳукуматнинг ахбороти ва таклифларини маълум қилди.

Қисқача муҳокамадан кейин мазкур масала юзасидан тегишли қарор ишлаб чиқишга аҳд қилинди. Бу қарор 3 октябрь куни СССР Олий Советининг тасдиқлаши учун тақдим этилади.

(ТАСС).

ҚУЁШ ТАДҚИҚОТЧИЛАРИ АНЖУМАНИ

Қуёш-Ер физикаси муаммоларига бағишланиб Самарқандда очилган бешинчи халқаро анжуман қатнашчилари Қуёшни ва коинот ер атрофини тадқиқ этиш масалаларини муҳокама қиладилар. Анжуман социалистик мамлакатлар Фанлар академияларининг «Осмон жисмлари ҳаракатларини геофизик тадқиқ этиш» комплекс муаммолари борасида кўп томонлама илмий ҳамкорлиги комиссиясининг иши доирасида ташкил этилди.

Анжуман қатнашчилари беш кун давомида Қуёш ва геофизика фаоллигини, ионосфера ва магнитосферани тадқиқ этишга, радио тўлқинларнинг тарқалишига, жуда баландда учадиган космонавтлар ва экипажлар хавфсизлиги шароитларига бағишланган 300 дан ортиқ доклад ва ахборотларни тинглайдилар.

(ЎзТАГ).

ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИ УЧУН ДАРСЛИК

«Фалсафага муқаддима» деган китоб нашрдан чиқди. Мазкур китоб фалсафанинг фан сифатидаги вазифаси, мазмуни, унинг тарихан қарор топган турлари ва йўналишлари баён этилган дарсликнинг биринчи қисмидир. Унда фалсафа фани пайдо бўлишидан то бизнинг кунларимизга қадар шаклланиши ва ривожланишининг умумий манзараси чизиб берилади. Бу тарихий-фалсафий муаммо умуман олий ўқув юрти дарслигида илк бор жуда кенг равишда ёритиб берилган. Дарслик олий ўқув юртларининг талабаларигагина эмас, айни вақтда фалсафани ўрганаётган, унинг муаммолари билан қизиқаётган барча кишиларга ҳам мўлжалланган.

Китобни сиёсий адабиёт нашриёти босиб чиқарди.

(ТАСС).

● *Диққат, янгилик!*

ЙИЛ бўйи меҳнат қилиб етиштирган ҳосилини тайёрлов пунктига топширган деҳқоннинг ана шу пайтдан бошлаб хом ашё учун ҳуқуқи ҳам, масъуллиги ҳам барҳам топади. Яъни у пахтаскинг ҳар тоннасига [навига, сифатига қараб] белгиланган ҳақини олади-ю, вассалом. Қолган ҳамма жараёнларни — хом ашёни бунтлаш, сақлаш, қайта ишлаш каби ишларни завод амалга оширади, толани ҳам ўзи сотади. Албатта, пахта завод ёки тайёрлов пунктининг дарвозасидан ўтгунича икки томон ўртасида айрим тортишувлар, келишмовчиликлар ҳам бўлиб ўтиши мумкин. Лекин ҳар қандай шароитда ҳам деҳқон хом ашёни топширади.

Ишнинг бу усули пахтакор хўжаликларга, деҳқонларга маъқулми? Бу ҳақда ҳозирча бирор аниқ жавоб айтиш мушкул. Лекин тез орада ўртачирчиқлик пахтакорлар бунга албатта мукаммал жавоб беришади. Чунки 1989 йилда областимизда биринчи марта шу райондаги колхоз-совхозлар давлатга пахта эмас, тола сотишмоқда.

Янги тажриба эндигина бошланди. Унинг тугал натижаси ҳақида ҳали бирор нарса дейиш қийин. Лекин унинг моҳияти тўғрисида гапирса бўлади. Бизнинг пахта тозалаш заводи раҳбари ва колхоз вакили билан суҳбатимиз ана шу ҳақда бўлди.

— Хом ашёни қабул қилиш, қайта ишлаш ва сотишдаги бу янгиликнинг дастлабки самараси пахтани етиштирувчи, яъни деҳқон билан қабул қилувчи яъни завод ва тайёрлов пункти ўртасидаги турли келишмовчиликлар, низоларнинг бартараф этилганлигидир, — дейди Қорасув пахта тозалаш заводи директори Нозим Бобоев. — Тан олиш керак, илгаримизда колхоз-совхозлардан олиб келинган пахтани қабул қилишда икки хил мақсадни кўзда тутардик. Бошқача қилиб айтганда хўжаликлар хом ашёни иложи борича юқори навга топшириш пайдан бўлишарди. Заводлар ва қабул пунктларидаги ўртоқлар эса ундан кўпроқ чегириб қолишга, навини пасайтиришга ҳаракат қилишарди. Натижада норозиликлар кучаярди. Янги усулда эса ишнинг моҳияти тубдан ўзгарди. Эндиликда районимиздаги ҳар бир колхоз-совхоз пахта заводи ёки тайёрлов пунктига олиб келган хом ашёсини ўзи тарозидан ўтказади, намлигини, ифлослигини, навини ўзи лабораториядан ўтказиб қайд қилади. Қабул пунктларида ҳар бир хўжаликда олиб келинган хом ашёнинг аралашиб кетмаслиги учун биз уларга махсус картограмма асосида жойлар ажратиб бердик. Ҳар бир хўжалик ўзининг пахтасини ана шу ерга бунтлайди ва сақлайди. Пахта заводининг вазифаси эса бу хом ашёни сақлашда қайта ишлашда хўжаликларга кўмаклашишдан иборат. Биз уларни зарур техника воситалари, машина ва механизмлар билан таъминлаяпмиз. Ана шу техникада ишлаш учун механиклар, мастерлар ажратганмиз.

Энди пахтани ҳар бир колхоз-совхоз тўлиқ йиғиб-териб олиб бунтлади, дейлик. Бу хом ашёни қайта ишлаш қандай йўлга қўйилади, деган савол кўндаланг бўлади. Чунки иккинчи навбатда ишланишига йўл қўйиб бўлмайди. Биз бу масалани қатъий келишиб олдик. Бизнинг графигимизда қандай тола жўнатилиши лозим бўлса, ана шунга жавоб берадиган бунтдаги хом ашё навбати билан ишловдан чиқарилавереди. Пахтани тозалаш вақтида ана шу хўжаликларнинг вакиллари бевосита иштирок этишади ва толанинг чиқишини ҳисоб-китоб қилиб, назорат қилиб боришади.

Назаримда хўжаликлар учун янги усулнинг яна бир қулайлиги жўнатилган пахта толаси учун тўланадиган ҳақнинг илгаригидек пахта заводи орқали эмас, балки тўғридан-тўғри колхоз-совхоз ҳисобига келиб тушишидир. Лўнда қилиб изоҳлаганда толадан келадиган фойданинг эгаси деҳқон бўлади. Завод эса хом ашёни қайта ишлаб берганлиги, умуман жами хизмат турлари учун кетган харажатларни йил якунида хўжаликлардан ундириб олади. Кўриб турибсизки, бу йилдан бошлаб заводнинг иш усули тубдан янгича бўлаётир. 1989 йилда 35 минг тонна пахтани қайта ишлашимиз лозим. Айни кунларда завод қошидаги ва райондаги учта тайёрлов пунктимизда хўжаликлардан келтирилаётган хом ашё пешма-пеш қабул қилиб олинмоқда. Хом ашёнинг тўхтовсиз жойланиши учун колхоз-совхозларга қўлимиздан келганча кўмаклашаяпмиз.

— Ҳозир колхоз ёки совхоз ҳар бир хўжалик ўзининг хом ашёсини тезроқ реализация қилишдан манфаатдор, албатта. Биз шуни қисқача олиб, тола сотиш бўйича олдиндан тузилган план-графикка амал қилишни келишиб олдик. Чунки завод ойма-ой, ҳафтама-ҳафта маълум нав ва сифатга эга бўлган толани жўнатиши лозим. Масалан, бу йил заводимиз Польша, Чехословакия, Германия Демократик Республикаси, Куба, Болгария ва бошқа капиталистик давлатларга ҳам тола жўнатиш юзасидан шартномалар тузган. Шундай бўлгач, мана шу давлатларнинг талаб-эҳтиёжига яраша, зарур бўлган хом ашёни биринчи галда қайта ишлашимиз шарт. Ўз-ўзидан биронта хўжаликнинг пахтаси биринчи галда, бошқа колхоз-совхозни-катимизга боғлиқдир. Келинг, бунга бир мисол келтирай. Ҳозирги кунда хўжалигимиздаги бир қатор бригадаларда тайёрланган пахта биринчи навга қабул қилинмоқда. Айримларимизнинг иккинчи нав бўляпти. Демак, ана шу коллективлар парваришда даврида агротехника тадбирларини маромида бажаришмаган ёки терим вақтида масъулиятсизликка йўл қўйишмоқда. Қисқаси, пахта заводига келаётган хом ашёданоқ иш сифатини аниқлаб олаяпмиз.

Иккинчи масала иқтисод. Маълумки, биз илгари пахта заводига топширган 1 тонна биринчи навли хом ашё учун 680 ёки 700 сўм ҳақ олардик, холос. Қолгани, яъни пахта қайта ишланиб, толаси сотилгандан сўнг келадиган кўшимча даромад заводнинг ҳисобида қолаверарди. Янги усулда пировард натижадан келадиган фойдани ҳам колхоз олади. Шунингдек, айни кунларда чигит масаласи ҳам кўриб чиқилмоқда. Биз ўзимиз етиштирган пахтанинг чигитини тўлиқ колхоз ҳисобига ажратилишини талаб қиляпмиз. Ана шунда чорва озуқаси ва бошқа бир қатор масалалар ҳам ҳал бўлади.

Мана, сиз юқорида икки тармоқ вакилининг фикр-мулоҳазалари билан танишдингиз. Дарҳақиқат, улар ҳали бу борада бир қатор муаммолар ҳам юзага келаётганлигини таъкидлаб ўтишди. Биринчидан, қайта ишланган хом ашё учун хўжаликлардан ундириб қолинадиган ҳар иккала томонни ҳам қониқтириши лозим. Иккинчидан, колхоз-совхозларда ҳозирча пахтани қабул қилиш ва сақлаш учун тажриба етарли эмас. Шунингдек, айрим кезларда техника етишмаяпти. Ўйлаймизки, бу масалалар биргаликда ҳал этилади. Хулоса қилиб айтганда, хом ашёни қабул қилишнинг янги усули ўзини оқлаши учун барча тадбирларни кўриш керак.

Ф. МУҲИДДИНОВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири

ТОЛАНИ ЎЗЛАРИ СОТИШАДИ

ЎРТА ЧИРЧИҚ РАЙОНИДА ПАХТАНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ ВА ХОМ АШЁНИ СОТИШ ЯНГИ УСУЛДА ОЛИБ БОРИЛМОҚДА

Социал программа амалда

КОЛЛЕКТИВ БИЛАН МАСЛАҲАТЛАШИБ...

ЯНГИЙЎЛДАГИ металлпластмасса заводининг хўжалик ҳисобига ўтиб ишлаётганига бир йилдан ошди. Ўтган давр мобайнида бир қатор ўзгаришларга эришилди. Олинган фойданинг 71 фойизи заводнинг ўзида қолмоқда. Бу маблағдан ишчиларнинг социал-маиший шароитларни яхшилаш, заводни реконструкция қилиш каби тадбирларни амалга оширишда фойдаланиляпти.

Айни кунларда асосий эътибор социал масалаларни ҳал қилишга қаратилган. Ишчилар учун 60 квартирали турар-жой биноси, 140 ўринли болалар боғчаси қурилиши режалаштирилди. Яқинда икки ёш оилага турар-жой қуриш учун 1,5 минг сўмдан ссуда берилди.

Ишчилар ошхонада тушлик қилишлари учун эса завод касаба союз комитети томонидан арзон нархда талонлар бериляпти. Бундан ташқари корхона коллективи озиқ-овқат программасининг бажарилишига ҳам ҳисса қўшяпти. Заводнинг ёрдамчи хўжалигида гўшт етиштириб, арзон нархда ишчиларга сотилмоқда. Навоий номли совхоз территориясида корхонанинг беш гектар ер майдони бор. У ерда полиз ва сабзавот маҳсулотлари етиштириб, коллективга реализация қилиняпти.

Завод маъмурияти аъзолари вақти-вақти билан ишчилар билан учрашувлар ўтказиб уларнинг талаб ва эҳтиёжларини ўрганмоқдалар. Яқинда бўлиб ўтган ана шундай учрашувлардан бирида ишчилардан юздан ортиқ саволлар, мулоҳазалар ва шикоятлар тушди. Маъмурият эса ўз ишини ана шу шикоят ва таклифлар асосида олиб бормоқда.

Ишчиларга ғамхўрликнинг кучайиши натижасида уларнинг ишга муносабати тубдан ўзгарган. Улар қанчалик яхши ишлашса социал муаммолар шунчалик тез ҳал бўлишини яхши тушунишади. Шу туфайли меҳнат унумдорлиги, олинаётган фойда ортиб бормоқда. Завод ўтган йили пландаги 453 минг сўм ўрнига 505 минг сўм фойда кўрган бўлса, шу йилнинг биринчи ярмида пландаги 253 минг сўм ўрнига 399 минг сўм фойда олди. Белгиланган планлар мунтазам ортиғи билан бажарилиб келинмоқда.

Корхонада аҳолига пулли хизмат кўрсатиш ҳам яхши йўлга қўйилган. Жумладан илгари чиқиндилардан фойдаланилмас эди. Ҳозир хом ашё чиқиндиларидан уй-рўзғор асбоблари ясаладиган участка ташкил этилган.

Заводда келгусида бажариладиган ишлар кўлами ҳам кенг. Янги, замонавий асбоб-ускуналар, механизмлар билан таъминлаш керак. Бунинг учун шу йилнинг ўзида 690 минг сўм маблағ ажратилди. Заводда ишловчиларнинг асосий қисми хотинқизлар. Уларга ғамхўрлик кучайтирилаётган бўлсада ҳали барча шарт-шароитлар яратилаётгани йўқ. Чунки заводнинг ишлаб чиқариш биноси эски. Корхона маъмурияти янги бино қурилишини яқин 2—3 йил ичида бошлашни режалаштирмоқда. Ана шунда маҳсулот ишлаб чиқариш уч баробар ошади.

Қ. ЖУМАҚУЛОВ.

МАШИНАСОЗЛАР ТОРТИҒИ

● **«СРЕДАЗСЕЛЬХОЗМАШ» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси тайёрлаган чиллиш машинаси соҳибкорлар меҳнатини анча енгиллаштиради. Сегмент-ленталн кесувчи аппаратлар ҳомток қилиш ва навдаларни кесиш ишларини бажаради. Кесиш аппаратларининг иккитаси тик ва иккитаси кўндалангига жойлаштирилган. Биргина ана шундай машинанинг иши халқ хўжалигида қариб 2,6 минг сўм тежаш имконини беради. Йил охригача машинасозлар боғдорчилик хўжаликларига 1200 та ана шундай агрегат тайёрлаб берадилар.**

(ЎзТАГ).

●

ЯНГИ МОСЛАМА

● **ТОШКЕНТ ирригация давлат махсус конструкторлик бюросида ишлаб чиқилган лазер системаси билан бошқариладиган ярим прицепли ер текислагич суғориладиган ерни участкаларга бўлиш, майдонни маълум даражада қиялаштиришга кўмаклашади. Қизил Урда механика заводи мазкур машинани ишлаб чиқаришни ўзлаштирмоқда. Текислагич К-701 маркали трактор билан бирга соатига қариб 2,5 гектар ерни текислайди.**

(ЎзТАГ).

СУРЪАТ КЎТАРИЛДИ

● **ОҚҚЎРҒОН.** «Ленинобод» колхозининг Бўрибой Алибоев бошчилик қилаётган бригадаси аъзолари кунига йиллик планнинг 3—4 процента миқдорида пахта тайёрлаб, бригадаларарО мусобақада ғолиблик қилмоқдалар. Бунда, айниқса, чевар теримчилар Турсуной Донаева, Насибали Анорбоева, Бузайнаб Алибоева, Ўрозгул Ҳолбўтаева, Қаҳрамон Донаевларнинг ҳиссаси катта бўляпти. Уларнинг ҳар бири кунига хирмонга 120—150 килограммдан хом ашё териб тўкмоқдалар.

— Теримчилар ишига ўз вақтида якун ясаб, ҳар бири кунига 10—15 тийиндан нақд пул тўлаш, мусобақани ҳар беш кунда якунлаб, рағбатлантириш, 25—30 сўмдан мукофотлаш яхши самаралар берапти, — дейди бригада бошлиғи Б. Алибоев. Бу нафақат суръатни, балки сифатни ҳам таъминламоқда. Топширилаётган хом ашё юқори нав билан қабул қилинмоқда.

104 гектар майдонда деҳқончилик қилган бригада пахтакорлари ҳосилдорликни 32 центнерга етказиш учун курашмоқдалар. Шу билан бирга улар машина теримига ажратилган майдонларни тайёрлаб қўйдилар. Дефолиация сифатини таъминлаш учун уни икки босқичда ўтказдилар. Ғўзалар аввал танлаб, кейин ёппасига дориланди. 20 йиллик тажрибага эга механизатор Абдумалик Бердиёров, айниқса, маҳорат кўрсатди. У ғўза қатор оралариги ишлов бериш, озиқлантиришда бўлгани каби, дефолиацияда ҳам ибрат кўрсатди.

Ўтган йили 138 тонна пахта терган моҳир механизаторнинг бу йилги марраси 155 тонна.

Шунингдек, хўжаликнинг Илҳом Иномов, Отақул Каримов сингари ўртоқлар бошчилик қилаётган бригадаларининг аъзолари ҳам қўл теримини кучайтириш билан бирга машина теримига белгиланган муддатда киришиш тадбирларини кўрмоқдалар.

Р. ҲУЛЧИЕВА.

ВЕТЕРАНЛАР КЕНГАШИНИНГ АХБОРОТНОМАСИ

Уруш ва меҳнат ветеранлари республика кенгаши ҳузурида ахборотнома ташкил этилди. Ветеранлар олдида турган муаммоларни матбуотда, телевидение ва радиоэшиттиришларида кенг ёритишга кўмаклашиш, ветеранлар кенгаши фаолиятини тарғиб этиш унинг вазифасидир. Шу ерда жамоатчилик асосида ишлаётган кекса ва тажрибали журналистлар ҳам ахборотномани тайёрлашда қатнашадилар.

(ЎзТАГ).

ГАПДОНЛИКДАН АМАЛИЙ ИШГА

ОБЛАСТЬ партия комитети пленумида КПСС Марказий Комитетининг «Партияга қабул қилиш ва партия сафларини мустаҳкамлаш борасида Тошкент область партия ташкилотининг ишидаги жиддий камчиликлар тўғрисида»ги қарори қандай бажарилаётганлиги муҳокама қилинди. Пленумда таъкидлаб ўтилдики, КПСС Марказий Комитети қарорида белгиланган вазифаларнинг муваффақиятли бажарилишини таъминлаш, партия ички муносабатларининг бутун тизимини ўзгартиришга ёрдам бериш, ҳар бир партия ташкилотида ўртоқлик, эркин, юксак фикр айрибошлаш вазиятини қарор топтириш ҳисобот-сайлов йиғилишлари кун тартибидан мустаҳкам ўрин олиши лозим.

Худди ана шундай вазият Чиноз район бошланғич партия ташкилотларида бўлиб ўтаётган ҳисобот-сайлов йиғилишларида яққол сезилиб турибди.

Чиноздаги Озиқ-овқат программасининг муваффақиятли бажарилиши, аҳоли эҳтиёжларининг тўлароқ қондирилиши юзасидан кўпгина тадбирлар амалга оширилмоқда. Пахта яккаҳокимлигига барҳам берилмоқда. Бу йил пахта майдонлари 450 гектар қисқартирилди, картошка, сабзавот ва полиз маҳсулотлари етиштириш аввалги йиллардагига қараганда анча кўпайтирилди. 1990 йилда аҳоли жон бошига картошка истеъмол қилиш 41, сабзавот эса 132 килограммга етказилади. Келгусида қайта ташкил этилган С. Раҳимов номли колхоз сабзавот маҳсулотлари етиштиришга ихтисослаштирилади.

Барча тармоқларда қайта қуришни тадбиркорлик билан олиб бориш, илғор иш усулларини кенг жорий этиш натижасида хўжаликларнинг пул маблағлари 1987 йилдагига нисбатан 3 миллион 558 минг сўмга кўпайди.

Лекин, ҳали ҳал этилмаган муаммолар бир талай. Бу муаммоларни оқилона ҳал этиш, одамларда қайта қуришнинг келажагига ишончни мустаҳкамлаш биринчи навбатда партия группалари, бошланғич партия ташкилотлари, коммунистларнинг вазифаларидир. Энди олдингидек гапдонлик, шиорбозлик билан иш тутишга умид боғлаш беҳуда.

Қайта қуришнинг бу оддий ҳақиқатини Охунбобоев номли колхоз коммунистлари жуда яхши тушунадилар. Шунинг учун ҳам хўжаликда илғоридан инсон омилига жиддий эътибор бериб келинмоқда. Дала шийпонлари ёнида ёрдамчи хўжаликлар ташкил этиш, колхозчиларга барча қулайликлар яратиб бериш тажрибаси шу ерда пайдо бўлган. Оммавий-сиёсий ишларнинг самарали таъсирига эришиш бўйича илғор тажриба мактаби ҳам шу хўжаликда яратилган.

Колхоз меҳнаткашлари бу йил 1600 гектар майдонда мўл ҳосил етиштирдилар. Ҳар гектар ердан 39,9 центнердан хирмон кўтарилади. Ҳар йилгидек бу йил ҳам коммунистлар йиғим-теримда ишбошилик қилмоқдалар.

— Биз ҳисобот-сайлов йиғилишларида расмиятчиликка берилмасдан бажарадиган аниқ ишларимиз хусусида суҳбатлашдик, — деди колхоз партия комитети секретарининг ўринбосари М. Қолдибоев. — Ҳисобот даврида қилинган ишлар муҳокама этилди, йўл қўйилган хатолар юзхотирсиз айтиб ўтилди, қайта қуриш шароитида ҳар бир коммунистнинг тутган ўрни белгилаб берилди.

Илғари икки-уч бригада коммунистлари участка бошланғич партия ташкилоти ҳисобида турардилар. Агар бирор йиғилиш бўлиб қолгудек бўлса коммунистлар участка партия ташкилотига боришарди. Ортиқча оворагарчиликлар, қимматли вақтларининг беҳуда сарфланиши коммунистларда норозилик уйғотди. Улар ҳисобот-сайлов йиғилишларида эндиликда участкаларда эмас, ҳар бир бригадада бошланғич цех партия ташкилоти тузиш зарур деган таклифлар билдиришди. Шундай қилиб, 10 та пахтачилик бригадасида бошланғич цех партия ташкилоти тузилди, икки-уч номзоддан етакчилар сайланди.

— Бизнингча бу янги тартиб самарали натижалар беради, — деди район партия комитети ташкилий ва кадрлар иши бўлими мудири Э. А. Бердиев. — Биринчидан, одамларнинг вақти беҳуда сарфланмайди, иккинчидан, бевосита бригадаларнинг ўзида бошланғич цех партия ташкилотларининг тузилиши план ва мажбуриятларнинг муваффақиятли бажарилишини таъминлайди.

Хўжаликларда бўлиб ўтаётган ҳисобот-сайлов йиғилишларида райком аъзолари ҳам ҳисоб бермоқдалар. Илгари райком аъзолари фақат пленумларда иштирок этиш, у ёки бу партиявий топшириқларни расмиятчилик учунгина бажариш билан чекланардилар. Энди улардан аниқ ҳисобот беришни, қайси ишни ривожлантиришга қандай ҳисса қўшганлигини аниқ далиллар билан айтишни талаб қилмоқдалар.

«Қизил Октябрь» колхози партия комитетига райкомнинг бюро аъзоси Меҳди Усмонов котиблик қилади. Шу колхозда туғилиб, вояга етган бу йигитнинг ҳаракатчанлиги, одамлар дилига йўл топа олиш маҳорати ҳаммага маълум ва машҳур.

Хўжалигимиздаги илғор бошланғич цех партия ташкилотларида ҳисобот-сайловлар нихоясига етди, — деди биз билан суҳбатда М. Усмонов. — Йиғилишларда коммунистлар фаол иштирок этдилар, янгича шароитда самарали ишлашнинг илғор усуллари юзасидан ўз таклиф-мулоҳазаларини билдирдилар.

Тошкент область партия комитети пленумида партияга қабул қилишнинг икки йиллик тартибига расмиятчилик билан муносабатда бўлаётган партия ташкилотлари танқид остига олинди, коммунистлар сафларини ишчи-деҳқонларнинг илғор вакиллари билан мунтазам равишда тўлдириб бориш зарурлиги таъкидлаб ўтилди. Лекин, айрим партия ташкилотлари эътиборсизлиги туфайли резервда турганлар билан ишлаш, уларни партияга қабул қилиш сустлашиб кетмоқда.

8-бригада бошланғич цех партия ташкилоти ҳисобот-сайлов йиғилишида коммунист Қурбонбой Бахтибоев ана шулар ҳақида гапирди.

— Ҳисобот даври мобайнида биронта кишини ҳам партияга қабул қилмадик, — деди у. — Ҳолбуки, орамизда коммунистликка муносиб сергайрат ёшлар кўп. Уларни тарбиялашимиз, қайта қуришга садоқат ва ишонч руҳини уйғотишимиз керак.

Қурбонбой ака узоқ йиллар раҳбарлик лавозимларида ишлаган. Ҳозир пенсияда. Лекин, уйда қўл қовуштириб ўтиришни ўзига эп кўрмади: колхоздан 16 гектар ер олиб, оилавий звено ташкил этди, беда етиштирди.

Колхозда Қ. Бахтибоев сингари чинакам коммунистлар кўп. Шулардан бири хўжалик партия комитети аъзоси Ҳабиба Жўраевадир. У бошлиқ бригада ҳозирги кунда терим суръатини ошириб, кунига йиллик планнинг 9—10 фоизи миқдорида пахта топширмоқда. Узоқ йиллар колхозда бош агроном бўлиб ишлаган Абдулла Азаматов эса қолоқ бригадага бошлиқ бўлиб ўтди. Район партия комитети аъзоси Эгамберди Тўраев, Абдураим Шербўтаев каби коммунистлар бош бўлган коллективларда ҳам пахта тайёрлаш ва давлатга топшириш топшириқлари муваффақиятли бажарилмоқда.

Район электр тармоқлари идораси бошланғич партия ташкилоти ҳисобот-сайлов йиғилишида сўзга чиққан коммунистлар инсон омилига эътибор етарли эмаслигини очиқ айтдилар. Район раҳбарлари уларни фақат ўз касб байрамларидагина эслаб қоладилар. Ҳолбуки, бошқа ташкилот ва корхоналарнинг ишчи-хизматчиларига мунтазам равишда савдо хизмати кўрсатиб турилади, илғорлар рағбатлантирилади.

— Биз етимча ташкилотмизми? — деди йиғилишда коммунист Суннатилла Султонов. — Кечаю-кундуз эл-юрт хизматида бўлсак, ҳатто вазифамизга кирмайдиган ишларни ҳам бажарсак, оқибатда эса рағбатлантириш, мукофотлардан бенасиб қолсак, адолатданми?

Бизнингча, бу гинада жон бор. Чунки электр тармоқлари идораси коллективи эҳтиёт қисмлар етишмаслиги, мураккаб иш шароитларига қарамай астойдил меҳнат қилмоқда. Область электр тармоқлари бошқармаси маъмурияти чиноэлик нурчилар эҳтиёжларини ўрганиб, махсус тадбирлар ишлаб чиқса мақсадга мувофиқ бўларди.

Хуллас, районда бўлиб ўтаётган ҳисобот-сайловларда энг аввало коммунистнинг жамиятда, коллективда тутган ўрни белгилаб олинмоқда, уларнинг масъулияти оширилмоқда. Шунингдек, биринчи навбатда меҳнаткаш инсонга ғамхўрлик қилиш, барча қулайликларни яратиб, кўнглини тўқ қилиб қўйиш зарурлиги айтилмоқда.

Қайта қуриш даврининг талаби ҳам шу.

Э. ҚОСИМОВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.

• Партия турмуши: ҳисобот ва сайловлар



● БУКА районидаги 122-автокорхонанинг меҳнат коллективи халқ хўжалиги юклари ташиш планларини ой сайин ортиғи билан бажариб келяпти. Бунда кўп йиллик меҳнат тажрибасига эга бўлган ҳайдовчиларнинг ҳиссалари катта бўлмоқда. Суратда: корхонанинг фойдаланиш бўлими бошлиғи Х. Неъматов (ўмгдан иккинчи) пешқадам ҳайдовчилардан Н. Ҳайдаров, А. Ҳусанов ва Н. Эргашевлар (чапдан ўнгга) билан суҳбатлашмоқда.

Суратчи З. ШОДИЕВ.

«БЕДИЛ ЛТД»—ЎЗБЕКИСТОН

ЎЗБЕКИСТОН — АФҒОНИСТОН

Ўзбекистон, Туркманистон, Қозоғистон ва Тожикистон ташқи савдо ташкилотлари вакиллари билан имзоланган шартномалар Афғонистон «Бедил ЛТД» фирмаси президенти Хожи Абдул Кабирнинг СССРга сафари якуни бўлди.

— Мен Ўзбекистондаги амалий учрашувлардан айниқса мамнунман, -деди Хожи Кабир. — Менинг фирмам «Ўзбекинторг» билан бир йилдан кўпроқ вақтдан бери ҳамкорлик қилмоқда ва Тошкентда ўз ваколатхонамизни очиш ниятидамиз. Биз Ўзбекистонда хўжалик моллари, қурилиш материаллари сотиб оляпмиз. Унинг ўрнига Афғонистон чет элга чиқарадиган анъанавий маҳсулотларнинг, узум, шунингдек газлама, пойафзал, учинчи мамлакатлардан олинаётган электр ускуналарини етказиб беряпмиз. Бизнинг ўнлаб савдо шерикларимиз бор ва биз уларнинг маҳсулотларидан фойдаланишга, совет бозорларини моллар билан тўлдиришга ёрдам бермоқчимиз. Биз эса, ўз навбатида Ўзбекистондан, Ўрта Осиёдаги бошқа республикалардан кундалик зарур молларни олишдан манфаатдормиз.

Хожи Кабир Тошкентда биргаликда корхоналар тузиш тўғрисида хориж билан бевосита алоқа ўрнатишни хоҳлаётган ташкилотлар вакиллари билан музокаралар олиб борди. Улар орасида Афғонистонга «Бедил ЛТД» орқали қозон етказиб берадиган Самарқанд «Қизил двигатель» заводи ҳам бор. Завод бунинг эвазига Афғонистондан газлама олади. «Бедил ЛТД» «Ташсельмаш», Ўзбекбирлашув, Сергелидаги ёғочни қайта ишлайдиган завод, республика савдо ва маҳаллий саноат министрликлари, бошқа ташкилотлар билан шундай алоқалар ўрнатди.

— Биз СССР билан қайта қуриш бошланмасдан олдиноқ савдо қила бошлаган эдик. Давлатингиз иқтисоди сиёсати яхшилик сари ўзгараётганлигини ўз кўзим билан кўриб турибман, -деб сўзида давом этди Хожи Кабир. — Биз корхоналарингизга ташқи бозорга бевосита чиқиш учун ҳуқуқ берилганлигидан хурсандмиз. Совет шерикларимиз билан муносабатлар анча соддалашди ва афғонистонлик корхона эгаларининг кўпчилиги СССР билан ҳамкорлик қилишни хоҳлайди. Бу эса мамлакатимизни муҳтож бўлган энг зарур моллар билан таъминлашга, бозор нархларини пасайтиришга ёрдам беради. Мен бу ишларни Ўзбекистон ёрдамида амалга ошириш мумкинлигидан хурсандман. Ўзбекистон савдо соҳасидаги шерик бўлиш билан бирга, боболаримнинг ватани ҳамдир.

И. ГРЕБЕНЮК,
ЎзТАГ мухбири.

• Хатларга шарҳ

МЕҲР ИФОДАСИ

СЎНГГИ пайтларда газетхонлардан келаётган хатлар орасида ўқитувчилар меҳнатини улуғлаб ёзилган, илм-маърифат йўлида кўп йиллар заҳмат чекиб, ҳурмат-эътибор қозонган ветеран-педагоглар фаолияти ҳақида ҳикоя қилувчи мактублар анчагина кўпайди. Бу бежиз эмас. Қайта қуришнинг актив иштирокчилари — зиёкорларнинг кўпчилиги давр масъулиятини ҳис этган ҳолда ёш авлодга билим бериш, таълим-тарбия ишларини яхшилашда дуруст натижаларга эришмоқдалар.

Ўқитувчиларни ортиқча қишлоқ хўжалик ишларидан ҳоли этиш туфайли, улар учун мустақил ишлаш учун имконият яратилди. Жойларда педагоглар обрўсини мустаҳкамлашга бўлган эътибор кучайди.

— Чиндан ҳам инсон меҳнати билан гўзал экан, — деб ёзади ўз хатида жамоатчи мухбиримиз **З. Нуриддинов.** — Буни меҳрибон ўқитувчи Моҳира Саидазимова фаолиятида яққол кўриш мумкин. У Калинин районидаги 9-ўрта мактабда меҳнат таълимидан кўп йиллардан буён дарс бериб келмоқда. Жонкуяр педагог анчагина ёшларни ҳунарли қилди, мактаб коллективи уни уч фарзандни вояга етказган она сифатида ҳам эъзозлайди...

— Лекция залида ҳамкурсларим, бўлғувчи врачлар ўқитувчимизни кутиб ўтирибмиз, — деб ҳикоя қилади хатида Ўрта Осиё медицина педиатрия институти талабаси **Ў. Сандов,** — шу пайт эшикдан ўрта бўйли, чеҳрасидан нур ёғилиб турган тим қора сочи, оппоқ ҳалати ўзига ярашган аёл кириб келди. Юрагимизда чироқ ёнгандек бўлди.

Студент институт фармакология кафедраси катта ўқитувчиси Фарида Тошпўлатова ҳақидаги ҳикоясини шундай илиқ сўзлар билан бошлаган. У камтарин педагогнинг билимдонлиги, студентлар қалбига йўл топа билишини алоҳида таъкидлайди.

Ўқитувчилар ҳақидаги бундай самимий сўзлар зиёкор **С. Асқаров** мактубида ҳам ўз ифодасини топган. Муаллимликнинг машаққати ҳақида ёзар экан, у ана шу соҳада бир вақтлари сабот билан ишлаган ва ҳамон ўз қалбида ҳурмат билан эъзозлаб келаётган бир қатор педагогларини хотирлайди. Мақсуд Шайхзода, Турсунхўжа Юсупов, Саъдулла ака Исматов, Асом Назаровлар номини меҳр билан тилга олади.

Газетамизда мунтазам хат ва хабарлари билан қатнашиб турадиган ангренлик қаламкаш **Т. Шералиев**нинг материали ҳам диққатга сазовор. У янги очилган мактабда фидойилик билан иш бошлаган Зафар Мирзаахмедова ҳамда Бувинисо Мадатоваларнинг хизмати тўғрисида ёзган.

Мактублар орасида ветеранлар меҳнатини улуғловчилар ҳам кўп. Хусусан Оржоникидзе районидан хат йўллаган **Н. Зокров** Улуғ Ватан уруши қатнашчиси 45 йиллик педагоглик иш стажига эга бўлган С. Мажиддинов ҳақида ёзар экан, унинг ёшларни байналмилал руҳда тарбиялашда ҳиссаси катта эканлигини таъкидлайди.

— Яқинда, — дейди автор, — ветеран ўқитувчи 22-ўрта мактабда очилган тожик тилидаги бошланғич синф ўқувчиларига оқ йўл тилади. Бу мураббий ўз фаолияти давомида кўплаб ёш педагогларни вояга етказди.

А. Ҳусановнинг хатида аввал педагог бўлиб ишлаган, ҳозирги пайтда классик шоирларимизнинг асарларини ўзбекчадан русчага таржима қилишда жонкуярлик кўрсатаётган Л. Серикова ҳақидан лавҳа келтирилади. Хат муаллифининг фикрича педагог ва олима ҳамон ёш авлодни тарбиялашга катта улуш қўшиб келмоқда.

Яқин-яқинларгача биз газетхонлардан касалхоналар, қишлоқ амбулаторияларида хизмат қилаётган шифокорлар беморларга етарли даражада медицина ёрдами кўрсатмаётганликлари тўғрисида нолишлар билан тўлиб-тошган хатларни кўпроқ олар эдик. Албатта, ҳозир ҳам бундай мазмундаги мактублар келиб турибди. Аммо шундай хатлар орасида оғир дардига шифо топиб, ўз нажоткорига чин дилдан миннатдорчилик билдираётган кишиларнинг миннатдорчилик изҳор қилинган хабарлари ҳам йўқ эмас.

— Оҳангарон районидаги Қорахитой қишлоқ амбулаторияси ич касалликлари врачи Алефтина Мельниковани биз яшаётган жойда кўпчилик танийди ва ҳурмат қилади, — деб ёзади жамоатчи мухбир **М. Қаюмов,** — у бундай эътиборга ўзининг ҳалол хизмати билан эришмоқда. Малакали шифокор иш бошлаганидан бери ич касалликлари анча камайди. Ҳозирги пайтда у болалар ҳасталикларининг олдини олиш учун бор қобилиятини ишга солмоқда.

Худди ана шундай мамнунлик сўзларини Ўрта Чирчиқ район марказий касалхонасининг бир қатор шифокорлари ҳақида хат йўллаган механизатор **Қ. Холқулов** хабарида ҳам баён этилган.

Элга хизмат қилганни эл эъзозлайди дейди халқимиз. Шифокор Эгамберди Хожибоев Тошкент районидаги Калинин қишлоқ Советига қарашли Киров участкасининг фельдшер-акушерлик пунктида кўп йиллар давомида садоқат билан хизмат қилди. Яқинда қишлоқ аҳолиси унинг 60 ёшлигини нишонлади. Нажоткордан шифо топган кўпгина беморлар жонкуяр врачга гулдасталар тақдим этишди. Бу ҳақда редакцияга **С. Комилов** хабар ёзиб юборган.

Калинин районидан келган **И. Султоновнинг** хатида ҳам худди шундай ғамхўр шифокорлар ҳақида ҳикоя қилинади. У область физиотерапия шифохонасида беморларни ширинсўз ва доридармонлар билан даволаётган Ҳамид Аҳмаджонов, Ким Иннокентий каби врачлар, Тен Ольга, Ҳалима Тўхтаева сингари ҳамширалар ҳақида тўлқинланиб ёзган.

• Газета ва газетхон •

«ҲАФА БЎЛМАНГЛАР... ҲАҚИҚАТНИ АЙТАМИЗ»

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» ГАЗЕТХОНЛАРИНИНГ НАВБАТДАГИ КОНФЕРЕНЦИЯСИ ОҲАНГАРОН РАЙОНИНИНГ СЕРГО НОМЛИ СОВХОЗИДА БЎЛИБ ЎТДИ.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» газетаси редакцион коллегияси кейинги пайтларда кўпгина жойларда газета байрами, газетхонлар конференцияси, активлар билан учрашувлар, кўчма летучкалар, «Давра столи» каби қатор тадбирларни амалга оширмоқда. Газетхонлар билан навбатдаги мулоқот «Оҳангарон» район газетаси билан ҳамкорликда райондаги Серго номли совхозда бўлди. Унда газета муҳаррирининг муовини Р. Умаров, хатлар ва оммавий ишлар бўлимининг мудири А. Мирзаахмедов, редакция қошидаги жамоатчилик адлия консультацияси кенгашининг масъул котиби А. Ҳасанов, Оҳангарон район ижроия комитетининг раиси Ю. Қўлдошев, «Оҳангарон» район газетасининг муҳаррири И. Неъматуллаев, совхоз раҳбарлари иштирок этдилар. Бу сафарги учрашув ўзига хос — очиқчасига фикр алмашиш вазиятида ўтди.

— «Тошкент ҳақиқати»ни канда қилмай ўқиб турамиз, — деди конференцияни очар экан, совхоз партия ташкилотининг секретари Эргаш Оқилов, — лекин бугун хафа бўлмайсизлар, ҳақиқатни рўй-рост айтамиз. Чунки газета саҳифаларида босилиб чиқаётган қайта қуришга, ошкораликкга, экономикага, миллатлараро муносабатларга, социал масалаларга, атроф-муҳитни муҳофаза қилишга бағишланган ва бошқа кўпгина мавзулардаги мақолалар бизни тўлиқ қаноатлантирмаяпти. Улар юзаки ёзилади, муаммоларнинг келиб чиқиш сабаблари чуқур таҳлил қилиб, очиб берилмайди. Мухбирлар позицияларида жанговарлик етишмайди. Юз-хотир қилишлик шундоқ сезилиб туради... Бугунги учрашувда иштирок этаётганлар ҳаётимиздаги, совхоз фаолиятидаги, қолаверса, район миқёсидаги камчилик ва нуқсонларни юзма-юз туриб дангал айтсалар, редакция фаолиятини, район ва хўжаликлар ишини яхшилашга амалий ёрдам бўлар эди.

— Мен Улуғ Ватан уруши қатнашчиси, хўжалигимизда ветеранлар Советининг раисиман, — деди Малик Музробов. — Совхозимизда 10 мингдан ортиқ аҳоли истиқомат қилади, мингга яқин ҳонадон бор. Улуғ Ватан уруши иштирокчиларидан 80 киши шу ерда яшайди. 25 йигитимиз Афғонистонда ўзининг байналмилал бурчини ўтаб қайтишган. Аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш кўнгилдагидек эмас. Тез-тез узилишлар бўлиб туради. Танқис нарсалар — шакар, қанд, совун сингари маҳсулотлар ўз вақтида етказиб берилмайди. Бир хонадонга яримтадан совун берилади. Вақоланки, ҳар бир оилада ўндан ортиқ одам яшайди. Ўнинг устига қодир ветеранларимиз ўз томорқаларида қорамол боқадилар. Уларга ем-хашак етказиб бериш масалалари жуда оғир кечмоқда. Совхозимиз раҳбарлари бу соҳани яхши йўлга қўя олмаётирлар. Шу масалаларни «Тошкент ҳақиқати» газетаси ўз саҳифаларида кўтариб чиқса, балки, силжишга эришармиз.

— Менинг қалбимни ўртаб юрган бир масала бор, — деди ҳамшира Мавлуда Холдорова, — Газетамиз ҳамма масалаларни ёритади-ю, кўп болали оналар турмушини газета саҳифаларига олиб чиқишда кам ҳафсалалик қилмоқдалар, Хўжалигимизда 50 дан ошиқ кўп болали оналар бор. Ж. Марасулова, Т. Мирзаахмедова, Ҳ. Шамсиева, Т. Жўраева сингари аёлларимизнинг ўндан—ўн бештагача фарзандлари бор. Уларнинг аҳволидан бохабар бўлган киши, албатта, ачинмай иложи йўқ. Улар, ҳатто, қиш кунлари совуқда қолиб кетмоқдалар. Ўшаларга ташкилий равишда кўмир етказиб бериш наҳот қийин бўлса?! Ойига 100 сўм маош оладиган бундай оилалар бир машина кўмирни 200—250 сўмдан олишга мажбур бўлмоқдалар. Район ижроия комитети раиси Юнусали Қўлдошев бунга нима дер экан?!

Ю. Қўлдошев: — Мен ёлғончи бўлиб қолишни истамайман. Бу ерга ва бошқа хўжаликларга ана шундай кўп болали хонадонлар учун ташкилий равишда ёқилғилар келтириб беришни биз неча бор юқори ташкилотлар олдига қўйдик. Аммо, ҳамон у ечимини топа олмаётир. СССР халқ депутати И. Искандаров бизнинг районимиздан депутат қилиб сайланган. У киши ҳам неча бор мазкур хўжаликка табиий газ келтириш масаласини ҳал этиб бераман, деб ваъда берди. Ҳозир ўша ваъдаларнинг бажарилишини кўтяпмиз.

— Гапирилаверса гап кўп, — деди болалар боғчаси тарбиячиси Хурсандой Шаханова. — Эндиликда ваъдалардан амалий ишга ўтиш пайти келди, деб ўйлайман. Бизнинг боғчада болалар икки баробар кўп, жой эса йўқ. Битта кроватда икки бола ухлайди. Янги боғча қурилиши эса «туя гўшти еб» ётибди. Бунга нима дейсизлар?

Бу саволга жавоб бериш учун ўрнидан турган совхоз директорининг ўринбосари А. Турғунов янги боғча қурилиши тезлашаётганлигини айтди. Шу билан биргаликда у шундай деди:

— Бу ерда кўп болали оилалар ва ветеранларни ёқилғи билан таъминлаш масаласи кўтарилди. «Средазуголь» бирлашмаси раҳбарлари билан бу хусусда биз келиша олмаяпмиз. Газета шу масалани ўз назоратига олса, деган таклифни киритмоқчиман.

— Шу кунларда барча матбуот органлари учун ижара пудрати масалаларини кўтариш одат тусига кириб қолди. У ерда бундоқ бўлаяпти, бу ерда бундоқ бўлаяпти, деб ёзишади-ю, аммо, бу гаплар кўпинча ҳақиқатга тўғри келмайди. Юқоридан одамларга ер берингланг, деб қуруқ кўрсатма беришади. Аслида нимага асосан беришимиз керак, кимга ва қанча ер тегиши кераклиги тўғрисида лом-лим дейишмайди. Натижада ер олиб, ер берадиганлар ҳам, ер берадиганлар ҳам мавҳум кўрсатмалар оғушида қолади. Натижада икки ўртада ишончсизлик туғилади. Демоқчиманки, ерларни ижарага бериш, томорқа ташкил этиш масалаларида ҳали ҳам чалкашликлар кўп, — деди совхоз касаба союз комитети раиси Арслонбек Жоналиев, — «Тошкент ҳақиқати» ана шу чалкашликларни кўпроқ танқид қилса, нафи тегарди...

— Мен хўжаликда умумий овқатланиш масалалари билан шуғулланаман, — деди Самад Бердиев. — Аммо, ўз ишимдан ўзим қониқмайман. Чунки, нимага қўл урмайлик, қаерга мурожаат этмайлик, ҳамма ердан йўқ деган жавобни оламиз. Таъминот бобида, айниқса, болалар боғчалари мушкул аҳволга тушиб қолишди. Совхозимиздаги тўққизта мактаб, тўртта болалар боғчасини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш жуда қийин бўлаяпти. Уларни давлат таъминотига ўтказиш вақти келди, деб ўйлайман.

Конференцияда совхоз экономисти Ҳайдарали Хўжамбердиев, ҳисоб-китобчи Тошбой Исматов, совхоз директори Тўлқин Тўраев ва бошқалар матбуот органи билан меҳнаткашлар ўртасидаги алоқаларни янада юқори савияга кўтариш тўғрисида гапирдилар. Биз ҳисоботни пенсионер Рустам Зокировнинг сўзлари билан тугалламоқчимиз. У шундай деди:

— Матбуот — катта куч. Биз уни жуда ҳурмат қиламиз ва эъзозлаймиз. Ҳозирги қайта қуриш даврида матбуот органларимиз масалаларни анча дадиллик билан кўтарадиган бўлиб қолди. Аммо бир томонга оғишлар ҳам йўқ эмас. Газетада чоп этилаётган мақолаларнинг аксарият қисми танқидий бўлади. Ҳамма ерда ютуқ ҳам бор, камчилик ҳам бор. Оқни оқ, қорани қора дейилса, газетхонлар ҳам ҳамиша тан беради. Бизнинг совхозимиз илгари қолоқ эди. Энди қаддини ростламоқда. Сўнгги пайтларда эришган ютуқларимиз ҳам бундан далолат бериб турибди. Мухбирлар тез-тез келиб, ўша ютуқларимизни юқори савияда ёритиб туришса фойдадан ҳоли бўлмайди!..

Р. УМАРОВ,
А. МИРЗААҲМЕДОВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбирлари.

● Учрашув пайтидан лавҳалар.

Суратчи Ж. НОМОЗБОЕВ.

КУТУБХОНА ҲАММА УЧУН ОЧИҚ

«Ҳозир Таврот билан танишишни хоҳлайдиганлар кўп. Биз, диндорлар имкониятимиз қадар бунга ёрдам беришни хоҳлаймиз». Тошкент кўчаларида ана шундай одатдан ташқари эълонлар пайдо бўлди. Христиан-баптистлар Тошкент Евангелия жамоаси ўз кутубхонасини ҳамма учун очиб қўйди.

Эндиликда хоҳлаган ҳар бир киши уларнинг ибодатхонасига келиши ва илгари ўқиш имкони бўлмаган адабиётларни ё уйга олиб кетиши, ёки шу ернинг ўзида ўқиши мумкин. Китобхонлар Таврот, Псалмалар китоби, янги ва эски ўзбек нашрлар билан танишадилар. Бу ерга ҳам ҳар қандай кутубхонада бўлганидек, ўша қоидалар асосида аъзо бўлиш мумкин: махсус варақа тўлдирилади ва паспортдаги маълумотлар ёзиб қолдирилади.

— Неча ўнлаб киши кутубхонамизга келиб кетди,— деди черков хизматчиси В. Хрипунов.— Улар турли ёш ва касбдаги кишилардир. Уларнинг кўпчилиги динга ишонмайди. Биз ҳеч қандай тарғибот ишлари олиб бормаймиз. Дин умумиинсоний маданиятнинг бир қисми бўлганлиги сабабли ҳузуримизга одамлар ташриф буюришса шунинг ўзига хурсандмиз. Чунки бу ердаги китоблар билан танишиш даҳрийлар учун ҳам фойдалидир. Кутубхонамизнинг ҳамма учун баб-баравар очиб қўйилишига шаҳар маъмурлари монелик қилишмади.

Кутубхонада ноёб китоблар, Ғарб олимларининг динга бағишланган асарлари бор. Нашрларнинг кўпини мазкур жамоа қавмлари, шунингдек АҚШ, ҒФР, Швеция баптистлари совға қилишган.

[ЎзТАГ мухбири].

• *Илғор чорвадорлар ҳақида ҳикоялар*

САЛИМА ОПАНИНГ «СИР»И

ЛАВҲА

САЛИМА Нуриддинова билан тасодифан танишиб қолдим. Аслида Паркент районига бошқа масалада борган эдим. Менга «Коммунизм» совхозининг соғувчиси Салима опа билан, албатта, учрашишни тавсия қилишди.

— Ҳозиргача унинг меҳнат натижаларига кўпчилик ажабланиб қарайди. Аймиллар эса ҳатто ишонишмайди ҳам,— дейди район агросаноат бирлашмаси раисининг ўринбосари Йўлчибой Убайдуллаев.— Биз одатда бирор касб эгаси ҳақида гапирганимизда «моҳир» деб қўшиб қўямиз. У бу сўзга муносибми, муносиб эмасми, билмаймиз. Лекин Салима Нуриддинова ҳақиқатан ҳам моҳир чорвадор. Унинг ишини, ҳаракатини кўриб, завқланасиз...

Бу гап — сўзлардан кейин менда С. Нуриддиновага бўлган қизиқиш янада ортди. Нега энди унинг муваффақиятларидан гумонсирашади. Унда бирон сир-синоат борми? Очиғи совхозда Салима Нуриддинова эришаётган натижалар билан танишгач, мен ҳам ҳайрон қолдим. Ҳамма ҳам шундаки, совхоз бўйича ўтган йили ҳар бош сигирдан уч минг килограммдан сут соғиб олинибди. Салима опа эса қарамоғидаги сигирлар маҳсулдорлигини 4500 килограммдан ошириб ди. Эътибор беринг, бу ҳар бир сигирдан совхознинг ўртача кўрсаткичидан 1500 килограмм кўп сут соғиб олинди, деган сўз. Бу озгина маҳсулот эмас, ахир. Агар областимизда мана шундай соғувчилар, дейлик, йилига ҳеч бўлмаса 10 тага кўпайиб борганда қўшимча қанча-қанча сут соғиб олинган бўлур эди. Афсуски, улар жуда ҳам кам. Хуллас, Салима опа бундай натижага қандай қилиб эришаяпти? Шу пайтгача кўпчиликни қизиқтирган бу масала мени фермага етаклади.

— Салима Нуриддинова 34 йилдан буён соғувчилик қилади,— деди совхоз бош зоотехниги Тўлқин Турдибоев.— Мана шу йиллар ичида унинг натижаларига назар ташласангиз, ҳар йили олдинга силжиш бўлганлигини кўрасиз. Эри Жуман, ўғли Замон Нуриддиновлар ҳам фермада ишлашади. Қизи Азиза пешқадам соғувчиларимиздан бири. Ҳозир ўзи билан бирга учта шогирди ҳам сигир соғаяпти. Биласизми, сўнгги йилларда Салиманинг сигирлардан кўп сут соғиб олиши билан кўпчилик қизиқаяпти-ю, лекин сирини билиша олмаяпти. Рости, у сигирни киши сезмаган ҳолда бошқача парвариш қилади, соғади. Ҳозир шу ерда. Кечки соғинни бошлади...

Зоотехникнинг гапига ҳайрон бўлдим. Одатда фермаларда кечки соғин соат 16 ларда бошланиб, кеч соат 20 гача давом этади. Қандай қилиб у кечки соғинни пешинда ўтказаётганлиги қизиқ эди. Ҳақиқатан ҳам чамаси 200 бош сигир сиғадиган биноними бир чеккасида 20 га яқин говмуш турар, кўринишдан оғир, вазмин, ўрта яшар аёл хотиржамлик билан уларни соғар эди. Унинг ҳаракатларидан зоотехник айтганидек, бошқа соғувчиларникидан кескин фарқ қиладиган ҳеч нарса йўқдек эди. У билан саломлашдик. Суҳбатимиз қизиб кетди.

— Салима опа, биласизми, сигирлардан кўп сут соғиб олишдаги сирингизни билмоқчимиз.

— Бу саволни менга жуда кўп марта беришган,— деди Салима опа. Ҳатто менинг муваффақиятларимга очиқчасига ишонмаган пайтлари ҳам бўлган. Янглишмасам, тўрт-беш марта сигир соғаётганимда мутахассислар тепамда туришди. Охири ҳамма рақамларнинг тўғрилигига тан беришди шекилли. Аслини олганда кўп сут соғиб олаётганлигимнинг ҳеч қандай сири йўқ. Фақат сигирларга вақтида қарайман, вақтида соғаман.

— Салима опа, сиз айтган ишларни ҳар бир соғувчи ҳам қилса керак, ахир. Бунингсиз мумкин эмас-ку? Аммо нега сиз кўп сут соғяпсизу, улар эса кам?

— Ҳа, тўғри айтдингиз. Ҳамма соғувчилар сигирни ўзини қўйиб беради. Мен қарамоғимдаги сигирларнинг ҳар бирини феъл-атворига қараб гапираман. Уларни «қизим» деб чақираман. Жониворларни ғунажинлигидаёқ ажратиб олиб парваришлаганман. Сигир бўлгач ўзимнинг группамга олганман.

— Гапларингиз тўғрику-я, аммо, кишининг яхши кайфият билан иш бошлаши учун уйидан, ишидан кўнгли тинч бўлиши керак, шундай эмасми?

— Жуда кўнглимдаги гапни айтдингиз. Биз, аввало, мана шу ишларни қиладиган одамлар ҳақида, уларнинг туриш-турмуши, оиласи, болачақаси ҳақида ғамхўрлик қилайлик. Ана шунда соғувчининг ишга бўлган муносабати яхши томонга ўзгариб кетаверади. Албатта, масаланинг бошқа томони ҳам бор. Биз ҳақиқий, чорвани севадиган соғувчи тарбиялай олишимиз, у ўз вазифасини сидқидилдан бажариши ҳам керак.

— Нима деб ўйлайсиз? Бир неча йиллардан буён кўндаланг бўлиб турган бу масалани ижобий ҳал этишда оқсаб қолмаяпмизмикин?

— Эҳтимол... Биласизми, ҳар бир соғувчининг ўзига хос иш услуби бўлиши керак. Баъзилар соғувчида услуб нима қилади, сигирни озиқлантиради, соғади. Лекин ҳамма гап ана шу ишларни қандай бажаришда. Сиз нима деб ўйлайсиз,— давом этди Салима Нуриддинова,— сигирларнинг кўп сут беришига соғувчининг кайфияти таъсир қиладими? Афсуски, буни кўпчилик билмайди. Бақир-чақир, шовқин-сурон билан сигир соғишади. Ваҳоланки биз жонзот билан алоқа қилаётганлигимизни унутмаслигимиз керак. У билан қанчалик яхши муомалада бўлсангиз, шунчалик соғса бўлди-да, дейишади. Мана шу энг катта хатоимиз. Мен шунга аминманки, ҳозир менинг сигирларимни бошқа биров келиб соғса улар сутини кескин камайтириб юборади. Юқорида айтганимдек, 20—25 килограмм сут берадиган сигирларга кўпроқ емиш бераман. Кам маҳсулли, ёки сутдан чиқиш арафасида турганларига ортиқча озуқа бергандан фойда йўқ. Молбоқарга қолса ҳаммасига бир хил миқдорда ем-хашак ташлаб кетаверади. Шунинг учун бу ишни соғувчининг ўзи қилгани маъқул.

Мен шу ўринда яна бир масала ҳақида тўхталиб ўтмоқчиман. Мана кўпчилик соғувчиларни, колхоз-совхозларни мукофотлашади. Одатда мусобақага якун ясашда ўртача кўрсаткич ҳисобга олинади. Менимча, бундай якун чиқариш нотўғри. Эҳтимол, бирон совхознинг кўрсаткичи ҳар бир сигир бошига 2500 килограммдир. Лекин бу хўжаликда бир йилда сигир бошига ўсиш 300—400 килограмм бўлгандир. Бошқа бир колхоз эса бир неча йилдан буён сигирлар маҳсулдорлигини 4 минг килограммга етказяпти. Хўш, сизнингча, мукофотни фақат 4 минг килограмм сут соғиб олаётган хўжаликка бериш инсофданми. Ахир, йиллик ўсишни ҳисобласак, давлатга ҳар бир сигирдан 2500 килограммдан сут соғиб олган совхоз кўпроқ маҳсулот топширди-ку. Демак, ҳар йили мусобақага якун чиқаришда ана шуларни ҳисобга олиш лозим. Худди шу гапни соғувчилар ўртасидаги беллашув ҳақида ҳам айтиш мумкин.

Биз шу куни Салима Нуриддинова билан соғувчилик касби, унинг муаммолари, чорвадорларга яратилган шароит ҳақида ҳам узоқ суҳбатлашдик. У бу борада кўп гапирилаётганлигини, лекин амалий иш кам бўлаётганлигини куюниб сўзлади. Бунга қўшилиш керак. Балки ана шулар чорвачиликнинг жадал ривожланиб кетишига тўсқинлик қилаётгандир. Хуллас, Салима опанинг соғувчиликдек оддий, айни вақтда, мураккаб касби сирини чорвага бўлган ҳақиқий меҳрида деган хулосага келдик.

М. ФАТТОҲОВ.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» ПАХТА ШТАБИГА ХАБАР ҚИЛАДИЛАР

БИР КУНДА 23 ПРОЦЕНТ

✦ ЯНГИЙЎЛ. (Жамоатчи мухбиримиз А. Риҳсибоев пахта штабига хабар қилади). Ўтган куни Калинин номли колхознинг Сафар Ўтегенов бошчилик қилаётган бригадаси деҳқонлари чинакамига рекорд қўйишди. Шу куни бу ерда йиллик планнинг 23 проценти миқдорида пахта тайёрлашга эришилди. Бригаданинг мавсум бошидан буён қабул пунктларига жўнатган хом ашёси 85 процентдан ошди.

1989 йилда коллектив аъзолари ҳар гектар ердан пландаги 27,5 центнер ўрнига 30 центнердан хирмон кўтаришга аҳд қилишди. Бунинг учун барча имкониятлар бор. Далада ҳосил мўл. Механизаторлар Ирисбек Қўноқов ва Имомжон Ҳолматов ҳар куни ўз машиналари бункеридан 10 тоннадан ошириб пахта тўкишмоқда.

ШАҲЛО ВА УНИНГ ДУГОНАЛАРИ

✦ ШУ РАЙОНДАГИ Ленин номли колхозда ташкил этилган кўпмингкилограммч и л а р ўртасидаги беллашувда хўжаликнинг Собир Орифбоев бошчилик қилаётган 7-бригада теримчиси Шаҳло Тиллақобиловага тенг келадиганн бўлмаяпти. Кеча бу илғор теримчи хирмонга 170 килограмм пахта тўкди. Унинг мавсум бошидан буён уйган хирмони 4 тоннадан ошди. Шаҳло бу йил камида 3 тонна «оқ олтин» териб бериш мажбуриятини олган.

Унинг дугонаси Соҳбуви Зокирова ҳам 3-бригадада барчага ўрнак бўлаяпти. Шу куни С. Зокирова териб берган хом ашё 162 килограммни ташкил этди. Соҳбуви ўтган йили терим мавсумида ҳам жонбозлик кўрсатган эди. Колхознинг хирмонига 14 тонна пахта тўккан. Бу йил эса камида 10 тонна термоқчи.

ИТТИФОҚДА БИРИНЧИ

Тошкент Темирйўл техникаси музейидан репортаж

Бу ишни дастлаб Ленинград бошлади. Ундан кейин Москва ҳам бу ишга бошқош бўлди.

Бу ғоя марказда туғилган эди. Уни Тошкентда ҳам маъқуллашди ва дарҳол амалий ишга кўчишди.

Гап темир йўл техникаси музейи ҳақида бормоқда.

* * *

Ўшанда Ўрта Осиё темир йўл магистрали ўзининг юз йиллигини нишонламоқда эди. Тошкент станциясида ўз хизматини ўтаган паровоз ва тепловозларни олиб келиб катта экспозиция ташкил қилинган эди. Бу жонли тарих гувоҳлари олдида томошабинлар кўпайиб кетди. Уларнинг кўпчилиги турли авлодга мансуб темирйўлчилар эди. Улар тарихни яхши билишарди. Бу тарих ёш авлод учун, келгуси авлод учун ҳам зарур эканлигини чуқур ҳис қилишарди. Уларнинг кўпчилиги бир фикрга келишди. Бу паровоз ва тепловозларни бир жойга йиғиб музей қилиш керак. Ленин район партия комитети ва ижроқўми уларнинг фикрини қўллаб-қувватлашди.

Экспозиция учун вокзал атрофидаги ташландиқ жой — Салор бўйидаги майдон танланди. Барча темир йўлчилар бир жон, бир тан бўлиб ишга киришишди. Ўрта Осиё темир йўли бошлиғи Николай Белогуровдан тортиб оддий машинист, хизматчи, ишчи ва қоровулгача бу ишни ўз иши деб қабул қилди. Айниқса, темир йўл ветеранлари жон қуйдириб ишлашди. Шу йил баҳорида бошланган қурилиш август ойида тугалланди. Темир йўлчилар байрами кунида музей тантанали суратда очилди.

Музейда Ўрта Осиё темир йўли тарихи яққол гавдаланади. Сиз бу тарихни биласизми, ҳурматли газетхон?

Келинг, узоқ ва яқин мозий ҳақида бир шингил гаплашайлик.

* * *

1839 йилда Оренбург генерал-губернатори Василий Перовский катта қўшин билан Хива хонлигини истило қилиш учун йўлга чиқди.

1812 йилги Ватан уруши қаҳрамони, тажрибали саркарда генерал-адъютант Перовский ҳамма нарсани ҳисобга олган эди. Катта қўшин таркибида уруш кўрган, жангу-жадалларда чиниққан гвардия офицерларидан ташқари касби-кори уруш бўлган солдат-офицерлар кўп эди.

Аммо Перовский икки муҳим нарсани унутган эди. Биринчиси Ҳоразм халқининг эрксевар ўғлонларини, иккинчиси Ўрта Осиёнинг иқлим шароитини.

Барханлар ортидан тўсатдан ҳужумлар, сувсизлик, очлик рус қўшинларини ҳолдан тойдирди. Перовский минглаб ўликлар ва юзлаб туяларни ташлаб орқага қайтишга мажбур бўлди. Аммо бу муваффақиятсиз тажриба подшо ҳукумати учун беиз кетмади. Россия империяси ҳарбий министрлиги ва Бош штаб Ўрта Осиёни босиб олиш учун стратегик операциялар ишлаб чиқаётганда Перовскийни яна эслашди. Генерал Перовский Ўрта Осиё дарвозаси бўлмиш Оқмачит қўрғонини забт этишга масъул қилиб тайинланди. 1853 йилда кекса генерал Перовский мукаммал қуроллланган катта қўшин билан Қўқон хонлигига қарашли Оқмачит қўрғонига яқинлашди. Қўрғон дарғаси истеъдодли лашкарбоши Ёқуббек эди. Жанг кескин ва шиддатли бўлди. Рус қўшинларининг ҳамлаларини қўрғон мудофаачилари бир неча бор қайтаришди. Аммо кучлар тенг эмас эди. Перовский тажрибали саркарда сифатида буни ҳисобга олиб бир ўзбек савдогарини элчи қилиб қўрғонга юборди.

— Биз руслар, — деган эди у ўз хатида, — бу ерга бир-икки кунга эмас, балки абадий келганмиз. Энди сира орқага қайтмаймиз.

Ёқуббек элчини хоин сифатида қатл қилди. Қирғин жанглардан сўнг Перовский Оқмачитни қўлга киритди. Бу ғалаба учун рус императори Оқмачитга Перовский номини берди. Оқмачитнинг дарғаси Ёқуббек ўзига содиқ аскарлари билан Хитой чегарасини бузиб Қашқарга бостириб кирди. У бу ерда мустақил давлат тузиб уни 12 йил бошқарди.

Оқмачитдан сўнг Чимкент ва Тошкент босиб олинди. 1862—1880 йиллар мобайнида Бухоро, Қўқон ва Хива хонликлари Россия империяси таркибига кирди. Фақат Туркманистоннинг Марв воҳасигина қаршилик кўрсатишда давом этарди. Туркманлар генерал Лазарев раҳбарлигидаги қўшинларни тормор қилишди.

Россиянинг Ўрта Осиёдаги ҳукмронлигига жиддий хавф туғилди. Бош штаб бу хавфни ҳисобга олиб рус армияси генералитетининг порлоқ юлдузи, 1877-1878 йиллардаги рус—турк уруши қаҳрамони генерал-лейтенант Михаил Скобелевни Туркманистонни забт этиш операциясига раҳбар қилиб тайинлади.

Генерал Скобелев бу вақтда Фарғона область ҳарбий губернатори эди. У Бош штабдан ўз қўшинларини озиқ-овқат билан таъминлашни талаб қилди. Бунинг учун эса саҳрода темир йўл қуриш керак эди.

1880 йил 20 майда Ўрта Осиёни истило қилиш ҳарбий раҳбарлари кенгаши темир йўл қуриш фикрини маъқуллашди. Бу йўл Каспий денгиз қирғоғидаги Михайловск постидан бошлаб Муллақир станциясигача чўзилиши мўлжалланди. Шу мақсадда Москвада 1-резерв темир йўл батальони ташкил қилинди.

Генерал-лейтенант М. Анненков бу темир йўл қуришнинг раҳбари ва Скобелев ёрдамчиси қилиб тайинланди. «Саҳродаги мўъжиза» деб номланган бу темир йўлнинг биринчи шохобчаси «Красноводск — Қизил Арвот» 1880 йил августдан бошлаб 1881 йил сентябрида тугалланди. Бу вақтда Скобелев Туркманистонни забт қилишга улгурди. Темир йўл қурилиши эса шитоб ила давом этди. Бу ишга подшонинг укаси Николай Романов ҳам бош-қош эди. Осиёнинг кўҳна марказлари — қадимги Марв, Чоржўй, Бухоро, Самарқанд империя маркази билан пўлат ишлар ила боғланди. 1906 йилга келиб Ўрта Осиё темир йўли қурилиши якунланди. Пўлат ишлар мустамлакани метрополия билан боғлаб ўлкани Россиянинг таркибий, узвий бир бўлагига айлантириши лозим эди. 1913 йилда эса Петербург аслзодалари вакили князь Масальский ҳукумат олдига Туркистон билан Сибирни темир йўл билан боғлаш вазифасини қўйди.

— Яқин келажакда, —деди Масальский Давлат кенгашида, — Туркистон пахтаси ва Сибирь галласи экономикамиз учун ҳаёт-мамот масаласига айланади.

Аммо Николай II ҳукумати князь Масальский ғоясини амалга оширолмади. Уни 1931 йилда Сталин Турксиб темир йўли сифатида ишрога қабул қилди.

* * *

Мана, Салор қирғоғида бўм-бўш ётган майдонда жуда қисқа муддатда барпо этилган темир йўл техникаси музейидамиз. Қатор саф тортган паровоз ва тепловозлар киши диққатини ўзига жалб этади. Улар сафида ҳаракатдаги техника ҳам бор. Бу болалар темир йўлидир. Бу темир йўл 570 метр масофага чўзилган. Унда бўлажак машинистлар дастлабки кўникмани олишади.

Турли вақтда қурилган, турли вазифани бажарган мана бу паровозлар кишига нимани эслатади? Бўёқлари ярқираган салонли вагонга қаранг! У буюк инқилоб йилларида, гражданлар урушида саркардалар қароргоҳи — кўчма штаби вазифасини ўтаган.

«Галаба» деб аталган «зангори экспресс» музей поездидаги П-36 паровозими? Бу кўргазмали экспонатлар жасорат, фожиа, тарихимиз ҳақида ҳикоя қилади. Пўлат ялар бўйича чопган бу паровозлар ўлкамизга фақат подшо ҳукмронлигинигина эмас, балки янги-янги инқилобий фикрларни, оламни остин-устун қилган фидокор ленинчиларни ҳам олиб келган эди.

Шундай бўлди ҳам. Темир йўл ишчилари — мастеровойлар Тошкентда мустабид мустамлака тузумини ағдарган қуролли қўзғолон ижодкорлари бўлишди. Худди шулар Ўрта Осиёда Совет ҳукуматининг қалқони бўлишди.

Темир йўл тарихида янги саҳифа очган мана бу тепловоз одамларга нимани эслатади? Ленинни, Владимир Ильич сиймоси ва унинг ишларини.

1921 йилда Ленин электротехника институти профессори Я. Таккель янги локомотив-тепловоз устида ишлаётганидан хабардор бўлиб, бу ишга дарҳол маблағ ажратишга кўрсатма берди. 1924 йил 7 ноябрда эса жаҳонда биринчи магистраль тепловоз ҳаётга йўлланма олди. Унда шундай сўзлар битилган эди:

— 1924 йилда Ленинграда Я. М. Таккель лойиҳаси асосида қурилди. В. И. Ленин хотирасига.

Бу тепловозлар Ўрта Осиёда катта хизмат кўрсатишди. 1974 йилда паровозлар умри тугаб уларни тепловозлар алмаштирди. Ўрта Осиё темир йўли ўз аҳамияти бўйича мамлакатда тўртинчи ўринни эгаллади.

Бу ерда улар дам олишади, вақтларини мазмунли ўтказишади. Музейнинг жонли экспонатларидан ташқари мароқли экскурсияда ҳам қатнашишади. Энг муҳими улар темир йўлнинг чинакам ижодкорлари бўлган — ажойиб инсонлар ҳаёти ва фаолияти билан танишишади. Ноёб ҳужжатлар, ёдгорликларни кўришади.

— Ўрта Осиё темир йўли, дейди Бутуниттифоқ ёдгорликлар муҳофазаси темир йўл техникаси комиссияси раиси А. Никольский.— мамлакатимизда биринчи бўлиб шундай музейни яратди. Бу биз учун ҳеч қутилмаган ғаройиб ва қувончли ҳодисадир.

Украинадан келган меҳмон — темир йўл ветерани Ратмир Ковтун музейни томоша қилгач ўз фикрини шундай ифода қилди:

— Сизлар ҳеч бир республика ва ҳеч бир ўлка қилолмаган ишни қилибсиз. Менга туҳфа этган қувончингиз учун ташаккур.

Ҳурматли газетхон! Сиз ҳам музейга келсангиз ана шундай қувонча шерик бўласиз.

Ҳамдам СОДИҚОВ,
Тошкент темир йўл транспорти инженерлари институти доценти.

Бурчингни қандай ўтаяпсан, ўғлим?

Ўзбекистон пойтахтида аскар оналарининг Бутуниттифоқ слёти бўлди. Унга барча қардош республикалардан оналар меҳмон бўлиб келишди. Вокзал ва аэропортда Туркистон ҳарбий округида хизмат бурчини ўтаётган фарзандлари билан кўришиш учун келган аёлларни дастадаста қизил чиннигуллар, совға-саломлар билан кутиб олдилар. Эстониядан келган Хэлью Рютман қуёшда чиниққан ва улғайган ўғли Яанни бағрига олиб бир қувонса, унинг аввал русча, сўнгра ўзбекча гапирганини, меҳмонлар билан шу тилларда саломлашганини эшитиб яна бир қувонди. Йигит ўз уйидан хизматга жўнаб кетаётганида онанинг кўнгли нотинч эди. У нотаниш одамлар орасида қандай хизмат қиларкин, бунинг устига тилни билмаса? Йигит армияда фақат тил ўрганиб қолмади, айни вақтда кўп ишларни қилишга улгурди — у кучли ва бақувват бўлиб етишди, кўп содиқ дўстлар орттирди. Мураккаб ҳарбий касб-кор сирларини ўзлаштириб олди. Латиш Анна Аболине ва украин аёли Надежда Данканик, юзлаб бошқа аёллар ўзбек диёрида ўз ўғиллари билан учрашишди. Бу ерга Ўзбекистон областларидан ҳам катта делегация келди. Слётни уюштирган Туркистон Ҳарбий округи ҳарбий кенгаши ва Сиёсий бошқармаси, республика ҳарбий комиссариатининг вакиллари аёлларни ёш аскарлар хизмат қилаётган Тошкент гарнизони бўлинмаларига олиб боришди. Қўнгиллари ҳеч қачон жойига тушмайдиган оналар ҳам казармалардаги озодалик ва тартибни кўриб, бақувват, қувноқ ва улғайган йигитларнинг спорт мусобақаларидаги маҳоратларини кузатиб ва худди хонадондагидек мазали тушликни татиб кўриб, кўнгиллари жойига тушди.

«Аскар онаси, сенга шарафлар бўлсин!» деб аталган катта байрам концертида ўғиллари Узоқ Шарқ ва Шимолий флотда, бошқа ҳарбий округларда хизмат қилаётган оналарнинг радиомактублари янгради. «Ассалому алайкум, онажон...» — жанговар ва сиёсий тайёргарлик аълочилари У. Турсунов ва А. Қурамбоев, А. Юсупов ва В. Ғуломов ўз мактубларини ана шу сўзлар билан бошлаган эдилар. Қутб ортида хизмат қилаётган тошкентлик йигит Вячеслав Панюшин залда ўтирган онасига у ердан самимий салом йўллаган эди. Оддий аскар Х. Иброҳимовнинг овозли хатидан шуларни уқиб олдик: «Биз Фарғонада рўй берган тўполондан қаттиқ изтиробга тушдик. Менинг барча дўстларим — литвликлар ва латишлар, грузинлар ва арманлар, руслар ва украинлар бундай тартибсизликни ўзбек халқи эмас, балки бир тўда безорилар уюштирганлигига чуқур ишонадилар»...

Туркистонлик жангчи Эл-дор Алимов армия ижодий қобилиятнинг қушандасидир, деган фикрни қатъиян рад этди. У музика билим юртини тугатгач, Ватан хизматига чақирилган эди. Элдор концертда Шопеннинг вальсини шундай маҳорат билан ижро этдики, гўёки бутун икки йил давомида фақатгина музика билан шуғуллангандек эди. Тошкент ҳарбий билим юртига ўқишга кирган собиқ афғонистонлик жангчи Г. Шамсуддинов кутилмаган қувончли воқеани бошидан кечирди. Унга аъло даражадаги хизмати учун СССР Олий Советининг ёрлиғи топширилди.

Туркистон Ҳарбий округи қўмондонлиги слёт ёпилишига ҳеч ким кутмаган ва жуда ҳам ажойиб совға тайёрлади. Мамлакатимизнинг барча гўшаларидан етиб келган ёш ўзбекистонликлар залда тўпланган одамларнинг қарсаклари остида саҳнага кўтарилишди. Уларга аъло хизмат қилганликлари учун ўз Ватанларига бориб келишга қисқа муддатли отпуска берилган эди.

Залда ўтирганларга яна бир кутилмаган совға тайёрланди: хизмат муддати охирлаб қолган йигитларга армиядан бўшаганликлари ҳақидаги ҳужжатлар ҳамда уйга жўнашлари учун йўл билетлари топширилди. Запасга кетиш вақти етмаганлар учун Тошкент шаҳар хотин-қизлар кенгаши номидан ҳалол, виждонан хизмат қилиш, она еримизни кўз қорачиғидай асраш ҳақида оналарнинг накази берилди.

Н. ПОЛЯНСКАЯ,
ЎзТАГ мухбири.

УВОЛИ ТУТАДИ!

Яна нон исрофгарчилиги ҳақида

Ҳеч қачон Мусавой отани бундай кайфиятда кўрмаган эдим. У киши билан чойхонада ҳам, уйларида ҳам кўп суҳбатда бўлганман. Чеҳраларни очиқ, дилкаш бу нуронийнинг жуда ўринли, ақлли гапларини тинглаб ҳузур қилганман. Отахон ҳазил-мутойибани ҳам ёқтирардилар. Сўзлаганларида бировга оғир ботмайдиган, аксинча хушнудлик уйғотадиган ибораларни топа билардилар. Бу гал салом-аликдан сўнг гапимиз-гапимизга қовушмади. Отага разм солдим. Ранглари анчагина ўчган, асабий бир тусда тупроққа қоришган учтўрт бурда нонни кўтарганча келардилар.

— Тағин ҳам қиёмат қойим бўлмаганига шукур, болам, — дедилар ниҳоят. — Бунақа бурдаларни ахлатдан ҳар куни теріб оламан. Одамларга нима бўлган ўзи? Нонни ҳам шунчалик оёқости қилишадими-я. Бир вақтлари увоғига зор эдик-ку. Энди бўлса уволи ҳақида ҳеч ким индамай қўйди. На катта ўйлайди, на кичик. Ахир ҳар куни қанчадан қанча нон хор ва исроф бўлаяпти, ўғлим. Хатинг-саводинг бор, ёзсанг-чи? Одамларни инсофга чақирсанг-чи. Бир кунмас бир куни нон деганимизда кесак гириллаб қолмасин...

Мусавой ота астойдил ранжиганликлари, юракдан куюниб сўзлаётганликлари мени ҳам сергаклантирди. Биламан, нон ҳақида, уни эъзозлаш, тежаш тўғрисида илгарилари ҳам газеталар, журналларда қайта-қайта ёзилган. Ошхоналарда бу неъматни қадрлаш тўғрисида шиорлар ҳам осилиб турганлигини ўз кўзларим билан кўрганман. Хўш, ростдан ҳам нега аҳвол ўзгармаяпти. Нега нонинг тақдирига бефарқ бўлаяпмиз. Отанинг сўзлари менга ҳайқириқдек туюлди-ю шаҳар айландим. Тошкентнинг кўп даҳалари, маҳалларида бўлдим. Нон увол бўлаётганлигини кўриб ич-ичимдан ачиндим.

Пойтахтимизнинг собиқ Жанггоҳ маҳалласи яқинидаги Марказ-15 кварталида бир қатор уйларни айланиб, ахлат ташлайдиган яшикларнинг нон парчалари, ҳар хил овқатларнинг қолдиқларини кулга, чиқиндиларга аралашиб ётганлигини кўрдик. Бу ерда гирдикапалак бўлаётган Улуғ Ватан уруши инвалиди Шокир ака Саидхоновнинг жиғибийрон бўлаётганлиги бежиз эмас эди, албатта.

— Шу уйдаги уч-тўртта кексаларни чақириб, бу ҳолни кўрсатмоқчи эдим, — деди у. — Жуда бўлмаса навбатчилик қилиш керак. Лекин нонинг бу қадар хор бўлишига йўл қўйиб бўлмайди.

Отахон бизга бир вақтлари нонга етиша олмай, очликдан шишиб, қирилиб кетган одамлар ҳақида сўзлаб берди. «Тишлаб турган нонимни юлиб олиб, оғзига тиққан, қалтаклар остида ҳам бировдан тортиб олган бурдасини қайтиб бермаган кишиларни ўз кўзим билан кўрганман» дейди у.

Ҳа, бу аянчли кунларни унутишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Кексалар ерда ётган нон увоғини олиб кўзларига суртишининг боиси ҳам шундан.

Юнусобод маҳалласида истиқомат қилаётган Шакар бувви билан нон ҳақидаги суҳбатимиз узоққа чўзилди:

— Болажоним, биз кўрган кунларни асло сизлар кўрманглар, — деди у. — Уруш йиллари ва ундан кейинги бир неча йил давомида нон танқис бўлди. Бир кафт жийда, бир кафт туршак билан кун кечирардик. Баъзан озуқа лавлагисини қайнатиб ердик. Лекин нонинг ўрни билинарди. Кўшниларимдан қарзга бир-икки коса кепак олиб, болаларимга қатирма қилиб берганим ёдимда. Энди минг қатла шукурки, нон бисёр. Аммо уни қадрламаётганлар ҳам кун сайин кўпайиб бораяпти. Баъзан шуларни кўриб-туриб куйиб кетаман. Илгарилари бунчалик эмасди. Эндиликда йўлда, юзда, ахлат қутиларида нон парчалари. Бу нонкўрликнинг ўзгинаси-ку. Буни одамларга тушунтирадиган борми ўзи? Шаҳар катталари, оилада кексалар, мактабда муаллимлар чора излашса бўлмайдими?

Кўраяпсизки, бувининг ҳам дарду-ҳасратлари бир олам. Нонинг ўринсиз исроф бўлаётганлиги, қадрига етмаётганлигимиз қир эмас. Ахир тўйхоналарда кетма-кет синдирилаётган, лекин истеъмол қилинмай қолиб кетаётган бурда нонларни сувга оқизилаётганлиги, ҳандақларга ташланаётганлигидан кўз юмиб бўладими? Шаҳримиздаги «Ганга» магазини қаршисидаги чорраҳа атрофларида, дарахтлар тагида нон бурдалари, Бешёғоч даҳасининг бир қатор кўчаларида, Чилонзордаги 93, 97-уйлар атрофида. Фрунзе районидаги «Дилбар» ресторани орқасидаги уйлар ҳовлисидаги ахлат қудуқларида, Сергели районининг Чоштепа маҳаллаларидаги аҳоли турар-жойларида бундай ҳолатни кўздан кечирдик. Шу маҳаллада яшовчи, ўзини 11-поликлиникининг қоровули деб таништирган Тожиҳон ая Норхўжаева ҳам нон исрофгарчилигидан куюниб гапирди. У уруш йилларида бир бурда нонга бутун бир оила кун кечирганлигини эслаб кўзи ёшланди...

Нонни топтаганнинг косаси ҳеч вақт оқармаган. Маҳалларда, кўп қаватли турар жойларда маҳалла комитетлари нонни исроф қилишга қарши кескин кураш олиб боришса яхши бўларди.

Менинг фикримча, мактабларда, айниқса рус мактабларида нонинг қадри, у қанчалик машаққатли меҳнат эвазига етиштирилаётгани, уни исроф қилмаслик зарурати ҳақида таъсирчан тушунтиришлар олиб бормоқ зарур.

Нон — азиз, унинг увоғини ҳам хор қилмайлик. Ҳар бурда нон ризқ-рўзимиз, насибамиз, тўқлигимиз нишонаси эканлигини унутмайлик. Оталар айтганидек, увоғи ерга тушса кўтариб кўзга суртайлик.

Суҳбатилла НОРХЎЖАЕВ,
кинотехник. Тошкент шаҳри.

СЎНГГИ СООТДА

✦ КАНБЕРРА. Якшанба куни полиция ҳарбий бўлинмалар билан бирга химиявий ўқ-дориларни ишлатиб, 400 дан ортиқ кишини қамоққа олди ва Жанубий Австралия штати шимолида жойлашган Наррангар Америка — Австралия «қўшма» ҳарбий базаси дарвозалари олдида жамоатчиликнинг икки кундан бери тинчлик билан давом этаётган норозилик намойиши қатнашчиларини тарқатиб юборди.

Австралия тинчлик учун курашчилари бу ҳарбий йўлдош алоқаси ҳамда кузатиш базасини қитъада жойлашган Америка ҳарбий базаларига қарши норозилик маркази сифатида танлаган эдилар. Ҳарбий иншоот дарвозалари олдида бўлган намойиш қатнашчилари Наррангар базасининг сақланиб қолиши уруш бўлган тақдирда Австралияни ядровий зарба бериш учун нишонга айлантириб қўяди, деб огоҳлантирдилар.

✦ РОШФОР — СЮР — МЕР (Шаранта денгизбўйи департаменти) Шаранта дарёсининг юқори оқимига жойлашган Франциянинг ана шу файзли шаҳарчасида атроф-муҳитни ва табиатни муҳофаза қилиш халқаро учрашуви — «Риена—89» ниҳоясига етди.

Буюк Британия, Канада, АҚШ, Франция ва СССРдан бу ерга келган неча ўнлаб таниқли олимлар ва мутахассислар, кинематографиячилар ва журналистлар бир неча кун мобайнида экология муаммоларини муҳокама қилишди. Учрашувларда таъкидланганидек, бу муаммоларнинг «чегараси йўқ». Уларни ҳал этиш учун барча давлатлар биргаликда кучғайрат сарфлаши зарур.

✦ МАДРИД. Якшанба куни кечаси пойтахт ташқарисидаги Каса де Кампо истироҳат боғида Испания Компартияси ва унинг матбуот органи «Мундо обреро» ҳафтаномасининг йиллик анъанавий байрами ниҳоясига етди. Мазкур байрамда Испания Коммунистик партияси раҳбарларининг таклифига мувофиқ КПСС ва «Правда» газетаси делегацияси ҳам қатнашди.

✦НЬЮ-ЙОРК. Американликлар Японияннинг иқтисодий қудрати тобора ошиб кетаётганлигидан ташвишга тушаётганликларини яширишмаяпти. Улар бу мамлакатни жаҳон бозоридагина эмас, айни вақтда Америка Қўшма Штатлари ички бозорида ҳам хавфли рақиб деб ҳисобламоқдалар. «Ньюсуик» журнали ўтказган жамоатчилик фикрини сўраб билиш натижаларидан шундай хулоса келиб чиқади.

Сўраб билиш натижаларига биноан, американликларнинг 44 фоизи Буш маъмурияти АҚШнинг Япония билан олиб борадиган савдосини тенглаштириш ва ундан Америка товарлари сотиб олишни қўпайтиришга ҳамда АҚШга келтириладиган моллари қисқартиришга эришиш учун етарли даражада ғайрат қилмаяпти, деб ҳисобламоқда. Уларнинг фикрига кўра, Вашингтон Токиога қаттиқ тазйиқ ўтказиши керак. Саволга жавоб берган кишиларнинг 15 фоизи бундай тазйиқ зарур эмас, деб билишмоқда, 18 фоизи эса Буш маъмурияти АҚШ савдо манфаатларини ҳимоя қилиш учун кўраётган тадбирларни маъқуллади.

(ТАСС, 2 октябрь).

СЎНГГИ СООТДА

БУГУН—«ЎЗБЕКФИЛЬМ»ДА

«УРАН» САЙЁРАСИНИНГ ЙЎЛДОШИ»

Фантастика жанри яқин пайтларгача «Ўзбекфильм» киностудияси учун бегона бўлиб келаётган эди. Аммо, ёш кинорежиссёр Нозим Тўлахўжаевнинг «Вельд» фильми ўзбекистонлик бадиий киноусталари мазкур жанрда ҳам ажойиб киноленталар ярата олишлари мумкинлигини намойиш этди.

Бугунги кунда студиянинг яна бир ижодий коллективи ушбу томошабоп жанр бўйича фильм суратга олмоқда. Бу гал кино ижодкорлар машҳур ёзувчи Александр Беляевнинг чуқур романтизм билан йўғрилган машҳур «Арэль» асарига мурожаат қилишди.

Маълумки, бу асар адибнинг сўнгги китобидир. Шунинг учун ҳам унга ёзувчининг энг эзгу ҳиссий кечинмалари мужассамланган. Асарда қалбларга ажиб бир шукуҳ солиб, бетакрор ҳиссиётлар уммонини уйғотувчи нафис муҳаббат ҳам, кишиларни ўйлашга, фикр юритишга даъват этадиган муаммолар ҳам бор. Унда тасвирланган ажойиб образлар силсиласи ҳам ҳамиша фантастика ишқибозларини ҳаяжонлантириб келмоқда.

Ана шу мукаммал адабий асарни экранлаштириб, томошабинларга ҳадя этишдек масъулиятни таниқли кинорежиссёр Ҳожи Аҳмар ўз зиммасига олди. «Уран» сайёрасининг йўлдоши» деб номланган ушбу картинадаги бош ролларни Искандар Ҳожи Аҳмар ва Равшана Шокировалар ижро этишмоқда.

«ҒОЙИБНИНГ ИККИНЧИ САФАРИ»

Табиат ва инсон, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, экология... Бу ҳозирги кунда жамиятимизнинг ҳар бир аъзоси учун бирламчи ва энг муҳим масалалар бўлиб қолди, десак муболаға бўлмас.

Ўзбекистонлик кинематографчилар ҳам бу мавзуларни ўрганишга, мавжуд муаммолар ечимларини топишда кўмаклашишга интилмоқдалар. Бу борада, айниқса, ҳужжатли кино усталари бир мунча салмоқли ишлар қилишмоқда.

Шу билан бир қаторда бадиий кино вакиллари ҳам қўл қовуштириб ўтиришгани йўқ. Улар ҳам талайгина муаммоларни ўзида акс эттирган картиналар яратиб, долзарб фильмлар суратга олишга интилмоқдалар.

Хусусан, кинорежиссёр Фарид Давлетшин ишлаётган «Ғойибнинг иккинчи сафари» киноленталси ҳам ана шундай картиналардан биридир. У Ўрта Осиё экологияси, Орол денгизининг бугунги аянчли аҳволи ҳақида бўлиб, ундаги воқеалар картина бош қаҳрамонининг ўз ўтмишини эслаш жараёнида ривожланади. Фильм ўртага ташлайдиган дардли муаммоларни бирор кишини бефарқ қолдирмаслигига, барча томошабинларни ҳушёрроқ бўлишга даъват этишига ишончимиз комил.

У. ҲИКМАТОВ.

РАНГ-БАРАНГ ОЛАМ

ЭНГ КЕКСА АЁЛ

✦ ГАВАНА. Ҳозир Кубада яшовчи энг кекса аёл — Луиса Эредиа оиласи билан бирга ўзининг 118 ёшга тўлганлигини нишонлади. Гарчи Луисанинг фақат битта қизи бўлсада, деярли бир юз йигирмата шам қадалган жуда катта байрам торти атрофида унинг 9 невараси, 16 эвараси, 13 невараси ва ундан кейинги бешинчи авлоднинг уч вакили тўпланди!

1871 йилда — Луиса Эредиа дунёга келган пайтда Кубада қулдорчилик ҳали бекор қилинмаган эди. Матансас вилоятида туғилган қора танли бу қизчанинг онаси қул, отаси эса озод киши эди. Луиса нодир тарихий қимматга эга бўлган анчагина воқеаларни ёдида сақлаб қолган. Масалан, у ўзи туғилиб ўсган жойлардан «Мамби» отряди — ороллнинг миллий қаҳрамони генерал Антонио Масео бошчилигидаги Кубани Испаниянинг мустамлакачилик зулмидан халос этиш учун курашган жангчилар қандай ўтганлигини яхши хотирлайди. Бу воқеага ҳам салкам юз йил бўлди.

ФАВҚУЛОДДА ҲОЛАТ

✦ ТОКИО. Муниципал маъмурлар Японияниг Осака шаҳрида юзага келган аҳволни «фавқулодда ҳолат» деб таснфлашаяпти. У ерда шаҳарликларга хавф солаётган нарса экстремистлар ҳам, табиий офат ҳам эмас, балки бутун шаҳарни тўлдириб юборган автомобиллардир. Машиналарни қўйиш учун ажратилган жойлардаги ўринлар аллақачонлардан буён етишмаяпти. Шаҳарликларнинг кўпчилиги анчагина катта жарима ва полициянинг бошқа жазо чораларига қарамай, ўз автомобилларини дуч келган жойга қўйиб кетишга мажбур бўляпти. Масалан, машинасини мумкин бўлмаган жойларга қўйганлиги учун ўтган йили 306 минг ҳайдовчи — 1987 йилдагидан 30 минг кўп киши жарима тўлаган. Вақтинчалик чора сифатида Осака мэрларни шаҳарнинг айрим марказий районларига машиналар киришини тақиқлаб қўйиш, ҳайдовчиларга шу яқин атрофдаги машина қўйиш мумкин бўлган бир йўла 2-3 жойнинг қаерда-лигини билдирадиган йўл белгиларидан яна бир неча ўнтасини ўрнатиш ниятидалар. Айни пайтда мумкин бўлмаган жойда машина қолдирганлик учун олинадиган жарима миқдори анча оширилади.

(ТАСС).

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Ўзбекистон ССР Маданият министрлиги
АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН ССР ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА
6 ОКТЯБРЬ СОАТ 19.00 ДА
ЎЗБЕКИСТОН ССР ХАЛҚ АРТИСТИ
МАЛИКА АҲМЕДОВАнинг

ИЖОДИЙ КЕЧАСИ

КЕЧАДА: Ўзбекистон ССР Халқ артисти ҒУЛОМЖОН ЕҚУБОВ, Ўзбекистон ССР Халқ артисти ФАРРУХ ЗОКИРОВ раҳбарлигидаги «ЯЛЛА» ВОКАЛ-ЧОЛҒУ АНСАМБЛИ ва Ўзбек Давлат филармониясининг солисти НУРИДДИН ҲАЙДАРОВ қатнашадилар.

Билетлар театр кассасида соат 10 дан 19.30 гача сотилади. Танаффус — соат 14 дан 15.00 гача.

Справкалар учун телефон — 33-90-81.

СБЕРЕГАТЕЛЬНЫЙ БАНК С С С Р

СЕРТИФИКАТ — ЭНГ ЮҚОРИ ДАРОМАД МАНБАИДИР

У ЙИЛИГА ТЎРТ ФОИЗ ДАРОМАД КЕЛТИРАДИ

Яъни, 1000 сўм қийматга эга бўлган сертификат олсангиз, орадан ўн йил ўтганидан сўнг у қўлингизга 1480 сўм бўлиб қайтади. Сертификатлар 250, 500 ва 1000 сўм қиймат билан чиқарилади.

Сертификат ўн йил ўтмасидан олдинроқ тўлов тариқасида тақдим этилса, даромад фоизи даражаланган ҳолда, ўтган тўлиқ йиллардан келиб чиқиб тўланади. Мабодо сертификат бир йилдан кам сақланган бўлса унда даромад тўланмайди.

Сертификат бўйича даромад фақат унинг ҳақиқий қиймати билан бирга, сертификатнинг орқа томонида берилган жадвалга мувофиқ равишда тўланади.

Ўн йил сақлаш муддати ўтганидан сўнг даромад фоизларининг қўшилиши тўхтатилади, аммо пул ҳолида қайтариб олиш учун сертификатлар муддати чекланмаган ҳолда қабул қилинаверади.

ОМОНАТ УЧУН... МУКОФОТ

Сиз ЕШЛАР-МУКОФОТ ОМОНАТИ БЎЙИЧА ҲИСОБ ОЧСАНГИЗ ва 3 йил мобайнида ойлик бадалларини мунтазам жамғариб бориб, ОМОНАТ БЎЙИЧА ШАРТЛАРГА РИОЯ ҚИЛГАН ТАҚДИРДА ҲАР ЙИЛИГА 2 фоиз ҳисобидан ва 1,5 фоиз мукофот тариқасида даромад оласиз!

ЕШЛАР-МУКОФОТ ОМОНАТЛАРИ 18—30 ЕШДАГИ ГРАЖДАНЛАРДАН ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Ҳисоб очилаётган вақтда ойлик бадал миқдори 10, 20, 30, 40 ёки 50 сўмдан бўлишини омонатчи белгилайди. Бадаллар нақд пул билан қабул қилиниши ёки омонатчининг иш жойи ёки ўқиш жойи бухгалтерияси орқали (аризасига мувофиқ) ўтказилиши мумкин.

Дастлабки бадал — юқорида айтиб ўтилган пул миқдорида омонатчидан паспортини тақдим этган ҳолда нақд пул билан қабул қилинади.

ЛОТЕРЕЯ БИЛЕТЛАРИНИ СОТИБ ОЛИШГА ОШИҚИНГ

ЛОТЕРЕЯ БИЛЕТЛАРИ
ЎЗБЕКИСТОН ССРда ОМОНАТЛАР ИШИНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

ЮТУҚЛАР ТИРАЖИ

18—19 НОЯБРДА ЎЙНАЛАДИ!

50 тийинли билетлардан 4 миллион сўмлиги чиқарилган. Ютуқ пули эса шу маблағнинг ярмини, яъни 2 миллион сўмини ташкил этади.

ТИРАЖДА ҚУЙИДАГИЛАР ЎЙНАЛАДИ:

СССР Жамғармалар банкининг 250, 500, 1000 сўм қийматга эга бўлган СЕРТИФИКАТЛАРИ;

1982 йил Давлат ички ютуқ заёмининг 25, 50, 100 сўм қийматга эга бўлган ОБЛИГАЦИЯЛАРИ;

Ўзбекистон ССР пул-буюм лотереясининг БИЛЕТЛАРИ.

Лотерея билетлари бўйича ютуқлар, шунингдек қиймматбаҳо қоғозлар ўрнига пул (ютуқ эгасининг хоҳишига кўра) **1000 сўмгача бўлса** (минг сўм ҳам шу ҳисобга киради). **Жамғармалар банкининг барча бўлимлари ва 1-разрядли филиаллари томонидан тўланади.**

1000 сўмдан катта ютуқлар лотерея билетлари СССР Жамғармалар банкининг Ўзбекистон республика банкида текширишдан ўтказилганидан сўнг тўланади.

Бошқа иттифоқдош республикалардаги ютуқли билет эгалари 1000 сўмгача бўлган ва 1000 сўмлик ютуқларни республика, область ёки ўлка марказининг бўлимлари биридан олишлари мумкин. Ушбу жамғарма банклари ютуқни олиш учун 1000 сўмдан катта ютуқ чиққан лотерея билетларини ҳам қабул қилади.

Ютуқни олиш учун лотерея билетлари 1990 йилнинг 30 июнига қадар (30 июнь куни ҳам шу ҳисобга киради) тақдим этилиши мумкин.

«Ўзбекистон ССРда омонатлар ишини ривожлантиришга ёрдам» лотерея билетларини Жамғармалар банкининг бўлимларидан сотиб олиш мумкин.

СССР ЖАМҒАРМАЛАР БАНКИНИНГ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ БОШҚАРМАСИ.

«СОЮЗРЕКЛАМА» БУТУНИТТИФОҚ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕКЛАМА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КОРХОНАСИ.

СПОРТ

БОКС

ИККИ ҳафта мобайнида Ватанимиз пойтахтининг «Олимпия» спорт комплексида ўтказилган бокс бўйича жаҳон чемпионатида мамлакатимиз терма командаси аъзолари 5 олтин, 2 кумуш ва 4 та бронза медалларини қўлга киритиб, умумкоманда ҳисобида ғалабага эришдилар. Терма командамизнинг асосий рақиблари кубалик чарм қўлқоп усталари 4 олтин, 4 кумуш ва битта бронза медали соҳибларини бўлишди. Мамлакатимиз боксчиларидан Ю. Арбачаков, А. Хаматов, И. Ружников, И. Акопкохян, А. Курнявкалар ўз вазн тоифаларида ғолиб чиқиб, шохсупанинг юқори поғонасидан ўрин олдилар.

БАТУТ

МАМЛАКАТИМИЗНИНГ батутда сакраш бўйича моҳир усталари ГФРда ўтказиладиган синхрон сакраш бўйича кубок ўйинлари ҳамда СССР — ГФР матчига йўл олдилар. Терма командамиз сафида таниқли спорт мастерлари, жаҳон ва Европа чемпионатлари совриндорлари бор. Ана шу составга тошкентлик Дмитрий Поляруш ҳам киритилган.

БИЛЬЯРД

БУГУН Тошкентда бильярд спорти бўйича очиқ Осиё кубоги ўйинларининг тантанали равишда очилиши бўлиб ўтади. Мазкур мусобақаларда мамлакатимизнинг 60 дан зиёд кучли бильярдчилари «кичик рус пирамидаси» ғолиби унвони учун ўзаро баҳс юритишади. Ушбу мусобақа шуниси билан диққатга сазоворки, у СССР бильярд спорти федерацияси ташкил топган кунларда ўтказилмоқда.

СССР бильярд спорти федерацияси ташкилий комитетининг раиси, икки марта Совет Иттифоқи Қаҳрамони, учувчи-космонавт В. Ляхов ва унинг ўринбосари, бильярд спорти Бутуниттифоқ ассоциацияси президенти В. Воробьевлар турнир меҳмони бўлишади.

САМБО

КАЛИНИН шаҳрида самбо кураши бўйича аёллар ҳамда эркаклар ўртасида тўртинчи халқаро турнир бўлиб ўтди. Унда Болгария, Монголия, Камбоджа, Франция ва мамлакатимиз полвонлари иштирок этишди. Эркаклар ўртасида ўтказилган мусобақаларнинг саккиз вазнида совет полвонлари ғалаба нашидасини сурдилар. Аёллар ҳам бўш келишмади. Улар ўн вазннинг тўққизтасида олтин медалларни қўлга киритишди.

СПОРТ



Янги шеърлар

ҲАЁТ ДЕНГИЗИ

Ҳаётни кўриб-кўриб
Ўлимнинг бағри оғрир.
Ахир, ўлимдан кўра
Ҳаётнинг ўзи оғир.

Шундай кунларга қолдим,
Турмуш деганн шундоқ.
Қонунда айтилгандек
Кун кўролмадим мундоқ.

Эҳе, қонунлар бошқа,
Ҳаёт бошқа экан-эй.
Ҳаёт денгизи ичра
Сузиб борар елкан-эй.

Тўлқинлар чайқаб кўрар,
Елкан титрайди дир-дир.
Сўнг олис-олисларга
Судради уни тақдир.

Доминга тортар гирдоб,
Бош узра қора қуюн.
Кўринг, ҳали бу ҳаёт
Кўрсатади кўп ўйин...

Ҳаётни кўриб-кўриб
Ўлимнинг бағри оғрир.
Ахир ўлимдан кўра
Ҳаётнинг ўзи оғир.

МУШТОҚЛИК

Барглар бир-бир тўкилар,
Кузнинг чоки сўкилар,
Қиш хўмрайиб тикилар...
Хазон бўлган, эй гуллар,
Бошга тушди не кунлар?

Юпун қолган ҳар дарахт,
Тебранар бугун карахт.
Япроқсиз яшаш не бахт?
Енгиб аёзни, қорни,
Улар кутар баҳорни.

Сафо ОЧИЛ.

Гўё ҳисларим каби сочилар барглар,
Бир-бир териб уларни, оламан қўлга.
Юракда тўлиб-тошган анчайин дардлар
Сабабчисин кутаман, боқаман йўлга.
Келармикан, севгилим, менман интизор
Айтиб-айтолмаганим — қанча гапим бор...

Х. АВВАЛОВ фотоэтюди.

ШАТРАНЖ ОЛАМИДА

ЭЪТИБОР ТОПАЁТГАН УЮШМА

СССР шахмат ташкилоти халқаро федерацияга аъзо бўлгандан кейингина ФИДЕ обрў топа бошлади: у қирқ йил мобайнида деярли барча расмий жаҳон биринчиликлари, олимпиадаларга бош-қош бўлиб келмоқда. Аммо тобора кўпайиб бораётган жаҳоннинг етакчи гроссмейстерлари ФИДЕ фаолиятидан қониқиш ҳосил қилмай қўйдилар. Ана шунда яна бир мустақил ташкилот — халқаро гроссмейстерлар уюшмаси тузиш ғояси пайдо бўлди. Унинг ташаббускори ва биринчи президенти Г. Каспаров хайрли ишга қўл урди. Шахмат бўйича ҳам жаҳон кубоги ўтказилмоқда. Олти босқичнинг тўртласи тугагач, иккинчи кубок саралаш ўйинлари бошланиб кетди.

БИТТА МУСОБАҚАДА — 85 ГРОССМЕЙСТЕР

Шахмат оламининг фармонбардорлари бизнинг мамлакат вакиллари бўлса-ю, барча нуфузли баҳслар ўзга юртларда ўтказилса?! Кўп йиллар давом этиб келган бундай ноҳақликка ниҳоят чек қўйилди.

Хорижий мамлакатларга сафар қилганлар Москвадаги улкан Измайлово туристик комплексини биладилар. У ердаги ҳашаматли кино-концерт зали ўша пайтларда 10 кун шахматчилар ихтиёрида бўлди. Бу ерда иккинчи жаҳон кубогининг саралаш мусобақалари ўтарди. Унда тўрт қитъа вакилларидан 128 донгдор шахматчи ўзаро баҳс юритади. Уларнинг 85 нафари — гроссмейстерлар! Ташкилот комитетига РСФСР коммунал хўжалик министри В. И. Попов раислик қилди.

Ўз-ўзидан маълумки, хараждатлар катта эди. Спонсорликни ўз зиммасига олган «Контур» кооперативи бу борада ёлғизланиб қолмади: чет эл фирмалари ногоҳ ёрдам қўлини чўзди. Чунончи, Покистондаги машҳур «Табани» фирмаси мукофот фондига 100 минг доллар ажратди. «Мицубиси» япон фирмаси барча чет эллик иштирокчилар ҳамда ҳакамлар бориш-келиш харажатини кўтарди, Ғарбий Германиянинг учта фирмаси зарур жиҳозлар, шу жумладан кўплаб компьютерлар етказиб берди, Қарабсизки, совет томошабинлари биринчи марта ҳозиргача фақат ўқиган нарсаларидан кўпини кўрдилар. Бўларкан-ку! Бу ишда ташаббус кўрсатган жаҳон чемпиони, халқаро гроссмейстерлар уюшмаси президенти Г. Каспаровдан ҳамма хурсанд, миннатдор.

Томошабинлар хоҳласалар бир вақтнинг ўзида 64 тахтада (шахмат тахтасидаги хоналар сонига мос ҳолда) бўлаётган қизғин жангларни кузатиши, ёки бир йўла ўйин сеансларида қатнашиши, ёхуд катта залга ўрнатилган шахмат компьютерлари билан баҳслашиб кўриши мумкин эди. Ҳа, бунақаси илгари бизда бўлмаган.

Саралаш ўйинлари швейцарча системада ўтказилди, бинобарин ҳар куни иштирокчилар ўртасида янгитдан қуръа ташланиб, тенг-тенги билан куч синашди. Қаттиқ рақобат оқибатида кейинги босқичга йўлланма олган саккиз шахматчининг еттитаси совет вакиллари бўлиб чиқди. Саъи-ҳаракатлар зое кетмади.

КЎНГИЛСИЗ МУЪЖИЗА

Орадан кўп ўтмай Голландиянинг Роттердам шаҳрида биринчи жаҳон кубогининг бешинчи босқич мусобақалари бошланди. Унинг дастлабки 12 учрашувида битта ҳам бой бермай карвонбошилик қилиб турган жаҳон экс-чемпиони А. Карпов кутилмаганда устмаруст кейинги уч учрашувни бой бериб қўйди. Айб ўзида эканлигига иқрор бўлди: Каспаровдан ўзиб кетаман деб... нақд очколардан ажради.

ТОЖДОР ТОЖДОРЛИГИНИ ҚИЛДИ

Жаҳон кубоги учун ўтказилган якунловчи олти босқич турнири Швецияда ўтказилди, унда ғолибликка асосий талабгорлар Г. Каспаров билан А. Карпов ҳам қатнашдилар. Дастлабки беш босқич якунига кўра жаҳон чемпиони анча олдинда эди. Бинобарин Карповнинг вазифаси анча оғирроқ эди...

Каспаров пешқадамлик қилиб борар, Карпов эса уни таъқиб этишда давом этарди. Охирги учрашув олдидан жаҳон чемпиони рақобатчисидан ярим очко ўзиб кетган эди. Лекин якунловчи 16-учрашувда Каспаров дурангга эришган бўлса, Карпов икки кунлик қаттиқ курашлардан сўнг швециялик «оғир карвон» рақиби Андерсонни мағлуб этиб, Каспаровга етиб олди, натижада улар биринчи-иккинчи ўринларни ўзаро баҳам кўрдилар.

Бироқ низомда кўрсатилган шартларга кўра 4 босқичнинг учтасида юқорироқ натижага эга бўлган Каспаров жаҳон чемпиони деган унвонига биринчи жаҳон кубоги эгаси деган номни ҳам қўшиб олди.

Яқин орада Лондонда тож талабгорларининг иккита ярим финал матчлари бошланади. Уларда совет гроссмейстерлари москвалик А. Карпов билан А. Юсупов ва голландиялик Ян Тимман — англиялик Шокатан Спилмен баҳс юритадилар. Ғолиблар кейинроқ финал матчда куч синашадилар. Бунда ким ютиб чиқса, 1990 йили Францияда ўтадиган баҳсда жаҳон чемпиони Г. Каспаровга рўбарў бўлади.

М. МУҲИДДИНОВ,
СССР спорт мастери.

Шахсий фикр

ЧЕТДАН ЎЙИНЧИ ОЛАЙЛИК

Биз бир группа футбол ишқибозлари кейинги йилларда севимли «Пахтакор» командамиз бошидан кечираётган қийинчиликларни кўриб қаттиқ изтиробдамиз. Ҳозир «Ҳамма ўйинчиларни ўз республикамиздан чиқарамиз» дейишмоқда. Бу жуда яхши ният. Лекин шу ўринда бир нарсага аҳамият бериш керак. Пахтакорчиларнинг ҳозирги таркибидаги салкам 20 футболчимизнинг ўйин савияси деярли бир хил. Улар бундан кейин неча йил ўйнамасин, ўз техникасини ўстира олишмайди. Сабаби, уларга ўйин сирларини янада мукаммалроқ ўргатадиган, ўйинчиларни ўз орқасидан олға бошлайдиган етакчи футболчилар йўқ. Айни ҳозирги пайтда ана шундай маҳоратли футболчиларни бошқа командалардан чақиришимиз керак. Акс ҳолда ўйинчиларимизнинг техник савияси шу туришда «қотиб» қолади.

«Ўйинчиларни ўзимиздан чиқарамиз», — деб қайсарлик қилишни тўхтатиш фурсати келди, акс ҳолда кеч бўлади, чунки аҳвол шундай давом этаверса, кўзга кўринган ўйинчилар ҳам уни тарк этишлари табиий.

Келинг, атрофга бир назар ташлайлик. Европанинг кўзга кўринган барча командаларида чет эллардан (!) чақирилган 2, 3 тадан футбол юлдузлари ўйнаяпти. Голландиялик учлик (Гуллит, Ван-Бастен, Раайкард) кучи билан, ҳа-ҳа худди ўшаларнинг ёрдамида Европа суперкубоги соҳиби бўлган Италиянинг «Милан» клуби устидан ҳеч ким кулаётгани йўқ, аксинча ҳамманинг ҳаваси келаяпти. Ёки «Пахтакор» раҳбарларининг режаси «Милан» клуби раҳбарлари планларига қараганда самаралироқмикан?

Яна бир мисол: Андрей Якубик бошлиқ спорт ансамблимиз жозибали, сермаҳсул ўйинлари билан қувонтиргани, иттифоқимизнинг ман-ман деган командаларининг курагини ерга теккизган даврдан ҳали кўп вақт ўтгани йўқ-ку! Бизнинг команданинг мавқеини ана шу йўл билан кўтариш мумкин.

С. КАРИМОВ.
Ўрта Чирчиқ райони.

Муҳаррир
Н. НАСИМОВ.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ОБУНА ДАВОМ ЭТАДИ

Ҳурматли газетхонлар! 1990 йил газета ва журналларга обуна қилиш муддати 1 ойга узайтирилиб, 31 октябрга давом этадиган бўлди. Келаси йил ҳам «Тошкент ҳақиқати» газетасини мунтазам олиб туришни истасангиз шу кунларда унга обуна бўлишни унутманг. Бунинг учун «Союзпечать» агентлигига ёки иш жойингиздаги, ўқув юрти ва турар-жойингиздаги жамоатчи матбуот тарқатувчиларга мурожаат қилсангиз бўлади. Улар сизни келаси йил матбуотга обуна қилиб қўйишади.

«Тошкент ҳақиқати»га обуна исталган муддат учун чекланмаган миқдорда қабул қилинади.

Газетанинг ОБУНА БАҲОСИ бир йилга — 7 сўм 68 тийин, олти ойга — 3 сўм 84 тийин.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ («ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА»)

БИЗНИНГ АДРЕС: 700083, ТОШКЕНТ ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32.

Муҳаррир ўринбосарлари — 335885, 325747, 337916; 325748; масъул котиб — 334808, 325353; масъул котиб ўринбосарлари — 325750; БЎЛИМЛАР: идеология — 325778; агросаноат — 325647; саноат, капитал қурилиш ва транспорт — 325749; маҳаллий советлар ҳаёти — 325733; социал масалалар — 325556; маданият — 325767; адабиёт ва санъат — 325553; ахборот, ҳарбий-ватанпарварлик — 325645; хатлар ва оммавий ишлар — 334048, 325354; жамоатчи совет қабулхонаси — 334048, 325354; эълонлар бўлими — 325727.

Р — 05157. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси. Тошкент шаҳри. Индекс: 64684. Б.— 1696. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12